

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 13-avgust • № 33 (4068)

Эркин ВОХИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

БУЮК КЕЛАЖАК НИШОНАЛАРИ

Мустақил Ватан қарвони ўн тўққизинчи довонга етиб келмоқда. Қарвонимизнинг юки вазмин, қадами залворли. Унинг сабот ва матонат билан, ишонч ва қатъият билан эгаллаб бораётган марраларини дунё кузатиб, эътироф этиб турибди.

Бу катта қарвоннинг манзили аниқ, Ўзбекистон ўз йўлини аллақачон қайтмас қилиб белгилаб олган. Ҳеч бир куч уни танлаган йўлидан, озод ва обод мамлакат қуриш гоёсидан қайтаролмайди. Мухтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон келажаги буюк давлат" деган башоратли сўзларида нафақат яхши ният, балки қатъий ишонч бор, жамиятимиз олдида қўйилган улкан мақсад, вазифа бор. Бу вазифа — шарафли ва масъулиятли. Буюклик манзилига етишнинг машаққати ҳам буюк бўлади. Қарвонимиз бу йўлда неча синовлардан ўтиб, неча ғовларни ошиб, доно, хушёр сарбонимиз этагида неча фитна жарликларига қўламай эминликда собит одилар ташлаётди. Йўлимиз олис, ниятимиз холис, дегандек, ҳар лаҳза дуога қўл очиб, юрт тинчлиги, эл омонлигига кўз тегмасин, деймиз, катта қарвонга бехатарлик тилаймиз.

ҳар бир инсондан давр улкан сафарбарлик, сезgirлик, курашчанликни талаб этади. Мамлакатнинг буюк келажагини мен қандай тушунаман, ўша буюк келажақни яқинлаштириш учун мен нима қилмоғим керак, деган савол ҳаммамиз ва ҳар биримиз-кеलाжаги буюк давлат" деган башоратли сўзларида нафақат яхши ният, балки қатъий ишонч бор, жамиятимиз олдида қўйилган улкан мақсад, вазифа бор. Бу вазифа — шарафли ва масъулиятли. Буюклик манзилига етишнинг машаққати ҳам буюк бўлади. Қарвонимиз бу йўлда неча синовлардан ўтиб, неча ғовларни ошиб, доно, хушёр сарбонимиз этагида неча фитна жарликларига қўламай эминликда собит одилар ташлаётди. Йўлимиз олис, ниятимиз холис, дегандек, ҳар лаҳза дуога қўл очиб, юрт тинчлиги, эл омонлигига кўз тегмасин, деймиз, катта қарвонга бехатарлик тилаймиз.

Ўн тўққизинчи довон

Замон қалтис ва мураккаб. Ватаннинг онгли фўқароси бўлган, юрт келажаги учун ўзини масъул ҳисоблаган

га тинчлик бермаслиги лозим. Дарҳақиқат, буюк келажақ ўзи нима, унинг белги ва хусусиятлари нималардан иборат? Қандай давлатни буюк деб аташ адолатли бўлади? Мен ҳам бу саволларга жавоб излайман. Олий мақсад йўлида муҳтарам йўлбошчимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган улғувор ишлар қўламини тасаввур этишга, улкан ислохотларнинг мазмун-моҳиятини идрок этишга уринаман ва шундай тўхтама қеламан: давлатнинг буюклиги халқ нуфузининг катталиги билан, ёки ҳарбий салоҳиятининг улғулиги билан, ҳатто бойлиги ва жаҳон бозорига тўтган мавқеи билан ўлчанмас экан.

Давоми иккинчи саҳифада



"ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!"

Ватан мадҳини тараннум этиш, Ватан туйғусини бетакрор қўшиқлар орқали миллионлаб қалбларга етказишнинг ўзи катта бахт. Ана шу мавзудаги савияси юксак қўшиқлар яратиш ва уларнинг ижрочиларини муносиб рағбатлантириш мақсадида ҳар йили "Ягонасан, муқаддас Ватан!" қўшиқлар танлови ўтказилмоқда.

"Туркистон" саройида бўлиб ўтган танловнинг якуний босқичида республикамизнинг турли вилоят ва туманларидан ташриф буюрган иштирокчилар қатнашдилар. Саралаш босқичи мезонлари иштирокчилардан катта истеъдод ва маҳорат талаб этгани тадбирнинг янада кўтаринки руҳда ўтиши учун хизмат қилди.

Концерт дастурида кўплаб санъаткорлар ва хонандалар ўз имкониятларини яна бир бор намойиш этдилар. Таниқли шоирлар, санъат арбобларидан иборат ҳайъат аъзолари иштирокчилар маҳоратини баҳолашда ижро, матн ва мусиқа уйғунлиги мезонларига алоҳида эътибор беришди.

"Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик танлови ғолиблари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинади.

Саида МАНСУРОВА

Ўтмиш — келажакнинг онаси, дейишади. Ўтмиш меросимизни келажак авлодга бус-бутун етказиш масъулияти эса музейлар зиммасида.

МУЗЕЙЛАР — МАЪРИФАТ МАСКАНИ



Самарқанд шаҳрида республикамиздаги музейлар фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган семинарда шу вазифага алоҳида эътибор қаратилди. Тадбирда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги барча музейлар раҳбарлари иштирок этди.

Семинардаги чиқишларда соҳада олиб борилаётган ислохотлар хусусида сўз борди, дунё ҳамжамияти олдида тарихимиз, буюк ўтмишимизни кўрсата олиш, халқимиз, ай-

Мавжуд камчиликларнинг олдини олиш мақсадида барча музейларни ўрганиб чиқиш бўйича махсус гуруҳлар иш бошлагани таъкидлаб ўтилди.

Семинар ишида Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасининг "Музейлар тўғрисида"ги қонуни ижросини таъминлаш учун зарур бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақидаги қарори юзасидан уларни бартафоз этиш борасида баъзан мутасаддиларнинг совуққонлик кўрсатаётгани каби ҳолатлар ҳам қайд этиб ўтилди. Жиззах вилоятидаги ўлкашунослик музейи ва унинг филиаллари ҳисобланмиш бошқа музейлардаги жиддий нуқсонлар танқид остига олинди.

Семинар иштирокчилари Самарқанд шаҳрида янгитдан барпо этилган Мирзо Улуғбек музейи ва расадхонани бориб кўрдилар. Музей экспозицияси бўйича мутахассисларнинг хулосалари тингланб, уни бойитиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди. Музейлар фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган бундай семинарларни мунтазам ўтказиб боришга келишиб олинди. Навбатдаги семинар Бухоро шаҳрида ўтказилаётган бўлди.

ниқса, фарзандларимизни аждодларга муносиб авлод этиб тарбиялашда музейларнинг ўрни ва аҳамияти борасида фикр алмашилди.

Шунингдек, музей фаолиятидаги айрим жиддий камчиликлар ва уларни бартафоз этиш борасида баъзан мутасаддиларнинг совуққонлик кўрсатаётгани каби ҳолатлар ҳам қайд этиб ўтилди. Жиззах вилоятидаги ўлкашунослик музейи ва унинг филиаллари ҳисобланмиш бошқа музейлардаги жиддий нуқсонлар танқид остига олинди.

Муствақиллик йилларида Ўзбекистон бадий фильмлар ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиеда етакчи ўринга чиқди. Ҳар йили экранларга чиқарилаётган олти мишдан зиёд фильмларнинг 10-15 таси давлат буюртмаси асосида ишлана, қолган 50 дан ортиғи нодавлат (хусусий) киностудиялар ҳиссасига тўри келади. Шу давлнинг ўзиёқ юртимизда кино санъати тез суръатда ривожланаётганидан далолат беради. Айниқса, сўнгги йилларда яратилган «Утов», «Чашма», «Ватан», «18 квадрат», «Ойдиной» каби фильмларимизнинг турли давлатларда ўтган нуфузли халқаро танловларда эътироф этилиши киноижодкорларимиз меҳнатига берилган

КИНОРЕЖИССУРА: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР

юксак баҳолири. Бундай картиналар орасида хусусий киностудияларнинг махсуслотлари борлиги ҳам эътиборга лойиқ.

Бироқ хусусий киностудиялар фильмларининг аксарияти профессионал кино талаблари даражасида эмас. Дунёда кечаётган глобаллашув жараёни натижасида «оммавий маданият»нинг турли воситалар, жумладан, кино санъати орқали кириб келаётгани бу ҳолат асосан хусусий студиялар фильмларида кўзга ташланаётгани ғоятда ачинарли.

Бу жиҳатларга «Ўзбеккино» Миллий агентлиги қошидаги бадий кенгаш ва идораларро экспертлар гуруҳи аъзолари, нодавлат киностудиялар раҳбарлари, режиссёрлар, киноижодкорлар ҳамда ОАВ ҳодимлари иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбатида атрафлича тўхталиб ўтилди. Давра суҳбатида «оммавий маданият»нинг ёш авлод онгига кўрсатаётган салбий таъсири хусусий киностудияларнинг махсуслотлари миқсолида таҳлил қилинди.

Агентлик бош директори Аъзам Исҳоқов бошқарган маъмур тадбирида экспертлар гуруҳи раиси, кинорежиссёр Жаҳонгир Қосимов, киношунослар Ҳамидулла Ақбаров, Саодат Хўжаева, кинорежиссёр Мэлс Абзалов, журналистлар Каспар Турдиева, Шухрат Насимов, Гулчехра Умарова ва бошқалар суҳба чикчи, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Интилишда фильм олишга дилбоғар юридик шахслар, хусусан, режиссёрлар махсус лицензияларга эга бўлиши лозимлиги ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

ХОЛИС СЎЗ МАСЪУЛИЯТИ



1. Сиз ижод моҳиятини қандай тасаввур қиласиз?
2. Бугунги ижодий жараёнга муносабатингиз?
3. Ижодкорнинг жамиятдаги ўрни нима билан белгиланади? Бу жараёнда ўзингиз ва тенгқурларингизнинг иштирокини қандай баҳолайсиз?

Севдо НИЁЗОВА, «Тошкент» телерадиоканали журналисти, «Уйларим», «Тошкент оқшомлари» кўрсатуви ҳамда «Файзли оқшом» эшиттириши муаллифи. Айни кунларда «FM-саёҳат» лойиҳасининг телевизион варианты устида ишлаяпти.

1. Ҳуқуқчилик йилларимда актриса бўлиши орзу қилардим. Ҳозирча бир-бирига ўхшамаган турли касбу тақдирлар ҳаётида яшайман, деб ўйлардим. Кейин бу орзу режиссёр бўлиш истаги билан алмашди. Шу ҳаёл билан 2001 йили ҳужжатларимни олганча Санъат институти томон отландим. Бироқ қабул комиссиясида кўзимга ялт этиб ташланган «Санъат журналистикаси» деган ёзув ҳаммасини ўзгартдириб юборди. Бу тасодиф учун тақдиримдан розиман.

Давоми бешинчи саҳифада

Раённинг ёшлиги дарёнинг чап соҳилидаги Қовчин, Қоратикан, Совлиғар, Кескак, Араб қишлоқларида кечган. Қирғоқ бўйлаб ёйилиб жойлашган бу қишлоқлар у қадар катта бўлмаса-да, одамлари бир-бирига қуда-анда, жигар-бовур бўлиб кетишган. Тўю маърака, байрам-сайиллар уларни янада яқин қилган. Қарши — Шахрисабз йўли шу қишлоқлар оралаб ўтади.

Йўл бўйида «Тоҳир ва Зухра» ёдгорлиги очилиб, атрофлари обод хиёбонга, севишганлар боғига айлантирилганига ҳам йигирма йиллар бўлиб қолди. Шу ерлик қишлоқ аҳлининг тилида юрган ривоятга кўра, қадимда «Тоҳир-Зухра» достониға боғлиқ воқеалар айнан мана шу жойларда бўлиб ўтган экан. Бунга йўл ёқасидаги кичик қабристон ва ундаги халқ орасида Тоҳир ва Зухра қабри деб атаб келинаётган қабрлар борлиги ҳам сабаб бўлган...

Раённинг ўқувчилик кезлари дарё тўлиб оқарди. Юқоридаги Чимқўрғону Қамаш, Ҳисорак каби ўнлаб катта-кичик сув омборлари ҳали қурилмаган, биттагина Қашқадарё суви билан бутун бир вилоят экин майдонлари обихаёт ичарди. Баҳор ойлари қирғоқларни ялаб-юлқаб тўлиб-тошиб оқадиган шу дарёдан қадимда сандикда Тоҳир оққанию Зухраҳон зор йиғлаб қолгани ҳақидаги ривоятни эшитавериб, кўнгли алланечук тугёнларга эш бўлиб юрарди. Бу ривоятнинг чинлигига қишлоқ четигадаги Тоҳир-Зухра ҳамда улар орасиға ғов бўлган Қоработирнинг қаҳиртика-

нак босиб ётадиган қабрлари борлиги бирон шубҳа тугдирмасди. Жонқувват бобо қизига бежиз Раёно, деб исм қўймаган. Бир умр қўлидан дўмбирасини қўймай достону лалар айтиб ўтган, тўю тўйичи бахши-шоирларсиз тати-майдиган бу қишлоқлар аҳлининг ҳаёт тарзи ҳам кўпича ўша дост-

тонларда тасвирланган воқеаларга ўхшаб кетарди. Бунга бир жинҳатдан Қоратикан қишлоғининг Тоҳир ва Зухролар юрти бўлганига доир ривоят ҳам сабаб бўлган эса ажаб эмас.

Достону ривоятлар ўз йўлиға. Раёно мактабни битириб, олий таълимнинг этагини тутганидан сўнг кўҳна қишлоғининг янги турмушини яратишга бел боғлаганлардан бири бўлиб майдонга тушди. Кўп ўтмай элиға, юртдошларига танилиб қолди. Дастлаб механизатор бўлиб, трактор минди. Сўнг пахтакорлар етакчиси бўлди. Муствақиллик эса кўпчилик қатори унинг ҳам дилидаги орзуларға қанот берди. У ҳам фермерлар сафидан ўрин олишға қизиқиб қолди. Кенг дала бошидаги фермер ҳўжалигига обихаёт борадиган сув

тақсимлагич дарак қошида ўйға толган Раённинг хаёлиға ўша ўт-олов бўлиб юрган кезлари тушади. Фермерлик қила бошлағаниға ҳам мана олти йилдан ошибди. Унғача тўрт йил бригадаға ишбо-шилик қилган эди.

— Бригадир бўлгунча нима билан шуғуллангансиз?
— Унғачами, механизатор бўлганман, — дейди ўқтам боқиб Раёно.
— Шу нозик қўллар билан тракторни бошқарганмисиз?
— Шўро замонида трактор бошқарган қиз-жувонларнинг обрўйи баланд эди. Шунға қизиқиб, мен ҳам трактор хайдаб кўрганман. Бироқ ҳар ким ўзига муносиб ишни қил-

син экан. Аёл кишиға трактор бошқариш осон эмас. Сабаби, аёлнинг оналик бурчи, рўзғорда бекалик вазифаси ҳам бор. Бироқ шўролар биздан темирдай қаттиқ бўлишни талаб этарди. Уларға хулқ-атвори бинойидек фарзанд тарбиялайдиган, жамиятға онгли одамларни етказиб берадиган меҳрибон оналар, мунис аёллар эмас, жуда кўп пахта етиштириб берадиган ишчи қўллар керак эди. Аллоҳға шукр, ўшандай кунлардан кутулдик. Пахта ва галла етишти-рувчи деҳқоннинг қўлиғина узун бўлгани йўқ, қадри ҳам ошди. Бугун қишлоқда яшайдиган биз каби фермер ва деҳқонлар учун қуриб берилаётган намунавий лойиҳадаги замонавий уйларни бир кириб кўринг-а. Унақасини шаҳарда ҳам тополмайсиз.

Давоми иккинчи саҳифада

ҲУР ЎЛКА РАНГЛАРИ

Муствақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишлаб Бадий академиянинг кўргазмалар залида «Хур ўлка ранглари» кўргазмаси намойиш этилмоқда. Ундан Қорақалпоғистон расомларининг рангтасвир ҳайкал-рошник, амалий санъатға доир туркум асарлари ўрин олган.

Кўргазмадаги рангтасвир асарларининг мавзу доираси кенг бўлиб, С.Бойбосинов ишларида фалсафий фикрлашға мойиллик сезилса, С.Қутлумуратов ва И.Жақсибаев тасвирларида турли жойлар манзаралари табиий жонланади. Шунингдек, Орол денгизининг бугунги аянчли ҳолатини намён этган У.Сапаров ва Ф.Мадгазин асарлари томошабинларни уйлантиради. Г.Абдурахмонованинг



«Оналик» асари бетакрор миллий услуби билан диққатни тортади. Академик Ж.Қуттимуратовнинг ёғочдан ишланган «Тегирмондаги қорақалпоқ қизи» ва бошқа ҳайкалтарошлик асарларида қорақалпоқ халқининг оддий турмуш тарзини кўриш мумкин.

Қорақалпоғистонлик истеъдодли ўқувчилар томонидан яратилган амалий санъат намуналари, анъанавий кашта, қуроқ, бош кийимлар ҳам томошабинлар эътирофига сазовор бўлди. Кекса ва ўрта авлод вакиллари билан бир сафда, ўзига хос услубға эга Р.Аскарлов, Н.Шукуруллаев каби ёш расомлар кўргазмаларда мувефакиятли иштирок этиб келмоқдалар. «Айқул жўдузлари» ансамбли ижросидаги куй-қўшиқлар ва рақслар тадбирға файз бағишлади.

САРВАРА

Алексей ПОПОВ олган сурат.

БҮЮК КЕЛАЖАК НИШОНАЛАРИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Миллатнинг буюклиги маънавий баркамолликда намоён бўлар экан. Ҳақиқатан ҳам, юксак маънавият — энгилмас куч экан. Президентимизнинг китоби бежиз шундай аталмаган ва унда халқимиз табиатидаги меҳр-оқибат, мурувват, инсоф-диёнат, ҳалоллик каби азалий фазилатлар бежиз улуғланмаган. Эл қониди мавжуд бўлган бундай олижаноб хусусиятларга таяниб Юртбошимиз, «Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам бўлмаймиз», «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», дея баралла айтган, десак ва комил ишонч билан мамлакатимиз раҳбарининг бутун фаолияти тараққийнинг бош омили бўлган умуммиллий маънавий баркамолликка қаратилган десак, хато бўлмас.

Тарихга назар ташлайлик. Кўҳна юнон ва Рим халқларини буюклик аришга кўтарган омил улар босиб олган юртлар эмас, балки эришган юксак маданиятлари, минг йиллар оша ўлмас асарлари, афсоналаридир. Қадимий Мовароуннаҳр юртимиз ҳам сарҳадларининг кенглиги билан эмас, дунёни ҳайратга солган аждодларимиз заковати билан буюклик тожини кийган. Эрон, Миср, Сурия, Англия, Франция, Испания тўғрисида ҳам шундай фикрни айтиши мумкин. Билъас, даҳо шоирлар ва бастакорлари улуғлаган Германияни жангарилик, ҳарбий ҳужум адоий тамом қилган эди. Миллий манманлик, дунёнинг барча халқларидан устунлик даъвоси, сиёсий маънавиятсизлик ва нопоклик фалсафаси бўлган фашизм шундай меҳнатқаш, олижаноб, оқил ва маданиятга эришган халқ — немисларнинг ўз бошига ҳам, дунё халқлари бошига ҳам мислсиз қулфатлар келтирди.

«Виждон поклиги ва бедорлиги асрлар, замоналар оша инсон маънавиятининг таянч устунларидан бири бўлиб келмоқда. Жамият ҳаётида адолат ва ҳақиқат, меҳр-шафқат, инсоф-диёнат каби тушунчаларни кадр топтиришда айнан мана шу омилнинг ўрни ва таъсири беқиссасдир». Юксак маънавият энгилмас куч асариди муъжизалар яратган «япон табиати», «корей табиати» ҳақида айтилган бу фикр ҳамма замоналар ва ҳамма халқларга тегишлидир. Айниқса, Шуро тузумида яшаб, ёлгон, сохталик, мутолик қон-қонига сингиб қолган кишилар учун дарс бўлса ажабмас.

Не илож, биз шундай тузумда яшаганмиз. Ёлгоннинг энг кучли минбарларга кўтарилганини кўрганимиз. Бир-бировни алдаш, давлатни алдаш уят ва ноумус саналмаган. Негаки, давлат ўзи халқни алдаган. Бу алдовни ҳамма билган, тушунган, пана-панада талфизлар айтишган. Лекин зулм ва ёлгонни ошқора фаш этиш иложсиз эди. Чидаб бўлмас ноҳақликларга чидалган, қўниб бўлмас исканжаларга қўнилган.

Кўрқувнинг қўзи катта,
Юрғи кичик бўлур.
Кўрқув зўр келган юртда
Арселлар кучук бўлур.

Биз яшаган жамиятни ҳозирги ёшлар тасаввурга ҳам сиғиролмайди-лар. Уларнинг қалбига истибод заҳаси тегмаган, кўзлари тийрак, сўзлари дадил, қадамлари тетик. Улар келажак эгалари бўлган шахдам, жасоратли йигит-қизлар.

Шу йил ёз бошида бир гуруҳ адабиётчилар Фаргона вилоятига сафар қилиб, ижодий учрашувлар ўтказди, водий аҳли билан суҳбатлар қурдик, янги бунёдкорлик ишларини кўрдик.

Авалло, бизни қувонтиргани одамлар кўзидаги хотиржамлик, эртанги кунга ишонч ва шу боис нафосатга ташналик бўлди. Суҳбатимиздан яйраган элни кўриб ўзимиз ҳам яйрадик.

Шеърхонлик ҳам кўнгилга сиғса дуруст экан. Шундай кунлар бўлдики, биров биздан шеър эшитмади, ўзимиз ҳасрат ва надоматлар эшитиб қайтдик. Фарғонанинг ўша нотинч кунларини эслаймиз.

Ўт қўйиб қочгандек чекинувчи ёв,
Фитна алаптасин ёққанда шуро,
Фарғонадан чиққан даҳшатли олов
Хавфиди қолганда ўрта Осий —

Бир ён Андижонда алқасос учун
Ўш сари отланган чоғда оломон,
Биз жар ёққанда турган ўша кун
Балоларга қўксин ким қилди қалқон?

Ким эди қирғинни даф қилотган зот,
Оловга от суриб қирган ким эди?
Жон чекиб, бугунги бизнинг тинч ҳаёт,
Хотири жамлиқни берган ким эди?

Фаргона ва Ўш воқеалари нафақат юртимиз, бутун Марказий Осий тақдирини қил устига қўйганда, Юртбошимизга хос қатъият, вазиимлик, юксак заковат бизга нажат бўлган эди. Орадан йигирма йил ўтиб, Ўш жоҳароси қайтадан даҳшатли туш олганда яна ўша босиқлик, донишмандлик дунё олдига юзимизни ёруғ қилди. Икки қардош юрт ўртасида уруш оловини ёққоқи бўлганларнинг орузси ушалмади. Ўзбекистон ўз жигаргўшларига меҳр қучоғини очди, лекин қасос қилишни кўтармади. Дунё яна бир бор ўзбек халқига ва унинг раҳбарига тасанно айтди. Жаҳон халқларининг ташаққурини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотиби шаҳсан Президентимиз Ислам Қаримова телефон орқали етказди.

Аслида-ку шодиёна кунлар арафасида кечаги гамдан гапирмайдилар. Лекин не иложки, оғир, синови кунларини унутолмаймиз. Унутушига ҳаққимиз ҳам йўқ. Замон тақозоси ҳам шу. Ифтихор, шукроналик, севинч ёнида ҳамма оғоҳлик зарур. Шу боис ҳам ҳозирги ёшларнинг Ватан тарихини билмоқлари, чуқур таҳлил қилиб, хулоса чиқармоқларини истаймиз. Бахтимизга шундай навқирон, баркамол авлод бор. Уларни ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Маргилонда Жаҳон отин Увайсий номидаги ёш адабиётчилар тўғараги бор. Бу ердаги учрашув юракларимизда аламанг ёқиб юборди. Водийда шунча кўп бир-бирига ўшамайдиган истеъдод эгалари бор экан. Фақат болалардан етук шеър намуналарини эшитдик. Улар ўз шеърларини, адабиётимизнинг нодир намуналарини инг-

лиз, француз, немис, япон ва хитой тилларида ўқидилар. Биз уларни бола санаб, шеърят ибтидосидан сабоқ бергани борган «устозлар» лол бўлиб оғзимиз очилиб қолди. Шу ёшлар тим-солида буюк келажак нишонларини кўрдик, истиқбол боғининг гулғунчалари билан дийдорлашдик.

Водий таассуротларининг олий нуқтаси мамлакатимиз раҳбарининг шахсан ташаббуси ва иштироки билан қишлоқларда бунёд этилаётган янги миллий қиёфадаги ховлижолар, янги маҳаллалар бўлди. Мана буни чинакам ўзбекиона лойиҳа деса бўлади! Ўз иқлим шароитимизга, урф-одатимизга, яшаш тарзимизга мос уй-жойлар. Пешайвон, сўри, тандиргача муҳайё. Булар албатта мустақиллигимиз меvasи. Бир том курсак режасини олис марказдан тасдиқлайти келадиган кунлар орқанда қолгани натижасидир.

Биз ўзбекларнинг ярим умримиз иморат қуриш билан ўтади. Қолгани уни таъмирлашга, ямаб-яқсагга сарф бўлади. Бошқалар йилда бир тегадиган таътилни денгиз бўйларида роҳат-фароғатда ўтказсалар, ўзбекининг дам олиши гишт, тахта, миҳ кетидан юғуриб, уста қидиришдан иборат бўлади. Халқимизда гап бор: «Душманнинг урма, сўкма, дуо қил — иморат қурсин». Иморат азобини тотиб қўрган, билган одамнинг фарёди бу!

Мана энди Юртбошимизнинг хайрли ташаббуси шаҳаро қишлоқларда кенг қулоч ёзиб, ўзбек ҳам умр бўйи лой чангаллашдан қутиладиган бўлди. Энди бу иш билан мутасадди ташкилотлар, ўз ишининг устаси бўлган мутахассислар шуғулланидилар. Бизнинг ишимиз буюртма берил ёки тайёр уйлاردан танлаш бўлади. Яшаш шароити ҳам, тўлов имтиёзлари ҳам тараққий этган мамлакатлардаги шарт-шароитдан ортик бўлса ортиқки, кам эмас.

Бундай қулайлик, ободлик, тўқинликлар кимларгадир оддий эҳтиёж, кундалик турмуш тарзи, табиий жараён бўлиб кўринади. Лекин оғир кунларни кўрган, очлик ва муҳтожликни бошдан кечирган, томидан чакка ўтган хароб қулбаларда яшаган биз тенгилар учун бугунги ҳаёт ширин тушдай қуринади, биз ўзу қилишга ҳам журъат этмаган бир жамиятга яшаётимиз. Бу ҳам табиий. Ҳамма нарсга қиёсда билинади.

Дейдиларки, ўтган кун ўтди, эртанги кун — насия. Бугунги нақд куннинг қадрига ет. Биз эса кечаги кунни унутмай, бугунни қадрлаб, эртанги кунга ишонч билан яшамоқдамиз.

Дунёнинг беистисно барча буюк давлатларига ҳаво йўлларимиз билан, мурод-мақсадимиз билан туташганимиз. Келажагимизнинг буюклиги шубҳасиз. Унинг нишонларини кўриб, неъматларини тотиб турибмиз. Ватан мустақиллиги ва ҳуррияти қалбларимиз гавҳаридир. Ёшларга айтадиган сўзимиз шу:

Ҳурриятга ишонч, саботнинг керак,
Жўрятнинг, парвозинг — қанотинг керак.
Ватан ҳуррияти учун ҳаммаша
Фидоликка тайёр ҳаётинг керак.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бу юртимиз бойлиги, элимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўқинлиги учун меҳнатини аямайдиган, қишин-ёзин фидойилик қилиб, даласи ва етиштираётган неъматли узра парвона бўладиган зироатчи деҳқоннинг, чорвадор фермернинг қадри ошгани белгиси эмасми?!

Бугун фермерликнинг этагини тутганларнинг кўпчилигидан, айниқса, аёл кишидан бундай мулоҳазаларни камдан-кам эшитасиз. Раъно Жонқувватова 2004 йили оиласи билан ўттиз гектар ерда деҳқончилик қила бошлаган эди. Фақат пахта ва бугдўй экарди. Орадан тўрт йил ўтган, унинг ер майдони юз гектарга етди. Энди боғи ҳам, полизи ҳам, паррандаю чорваси ҳам бор. Бу йил йигирма уч гектарлик бугдўйзорнинг ҳар гектаридан олтимиш икки центнердан ошириб ҳирмон уйди. Йигирма олти гектардаги пахтанинг ҳосилдорлигини эса эллик беш центнерга етказиш учун бир ҳаракатга юз ҳаракат қўшмоқда. Шунга монанд ҳолда фермер ҳўжалиги сертарқом соҳага айланиб бормоқда.

— Фақат пахта ва бугдўйнинг ўзи билан иш битадими? — дейди у. — 16 гектар боғ ва узумзоримиз бор. Паррандачилик фермаимиз маҳсулотлари билан болалар боғчасига қарашамиз, фермер ҳўжалигимиз даромадига даромад қўшамиз.

Дала манзараси ҳам ўзгармоқда. Пайкал бошида сувчининг оти эгароғлик туради.

«Биласиз, қишлоқларимизда ишчи кучи кўп. Уларнинг асарияти аёллар, қиз-жувонлар», дейди Раъно. Шу боис, фўзалар парваршишни қишлоқдаги йигирмадан зиёд қиз-жувонларга ишонди. Уларнинг ҳар қайсиси бир, бир ярим гектар майдонга масъул. Шундай қилинса, иш зўр кетади. Ахир, даланинг эгаси бор, эгаси тайин бўлгандан сўнг ишдаги ривож ҳам, хатolik ҳам ҳамма-нинг кўз ўнгига туради. Даланинг бирор жойида, бирор туп фўза атрофида беорна ўтми кўрмайсиз. Чунки ер беэга эмас.

Яна бир гапни айтмақда. Раъно фақат фермер эмас, кўп йиллардан бунён қишлоқ фўқаролар йигинига ҳам раҳбарлик қилади. Қишлоқлар ободончилиги, қиз-жувонлар, ёш ўсмирлар учун янги иш ўринлари очиш муаммоси уни ҳаммаша тиниб-тинимасликка, элдослар учун ёниб яшагга чорлаб туради. Натижга, ишдаги барака эса кўнгилга ҳувонч бағишлади. Мана, яқин икки йил ичида унинг ташаббуси билан фўқаролар йигини худудидидаги қишлоқларда уч юздан ортик иш ўринлари яратди. Супермаркет, иккита пишиқ гишт ишлаб чиқарадиган завод ва битта блокчи гишт цехи, тўртта «Paynet» бўлими, тикувчилик цехлари ва ҳоказо...

— Пахта ўстиришининг сирини билмаган деҳқоннинг ўзи йўқ, — дейди Раъно. — Биз ҳаммасини пахтакоримиз. Мана, масалан, саратоннинг тафти қайтиб, кечалар салқин бўла бошлади. Фўзалар шохидидаги кўсақлар оғир тортиб қолди. Августин бежиз ҳосил тўллаш, ҳосилга ҳосил, баракага барака қўшиш оий дейишмайди. Ҳозир ҳар бир гулнинг кўсақка айлиниши, кўсақларнинг бўлиқлиги, чигитнинг эса ёғдорлиги ошиб, вази салмоқли, толаси узун бўлиши бугунги парваршига боғлиқ. Агар деҳқон асад олдига ҳосилни ясагса, мезонга қадар фўзани парваршидан қисмасга, ҳар гектарнинг ҳосили икки-уч центнерга ошадди. Бунинг учун фўзалар вақтида чилпи-



Фаррух ШАРОПОВ олган сурат.

либ, говлаб кетишига йўл қўймаслик керак. Ана шунда ҳосилнинг чўғи баянд бўлади. Кимдир шу икки-уч центнер ҳам гап бўлгани, дейиши мумкин. Йўқ, биз ундай дея оғлаимиз: тонналар граммлардан ҳосил бўлади. Пахтанинг харажати билан даромади мос келиши учун бугунги ганимат ҳар бир кундан унумли фойдаланаяпмиз. Бу ишлар билан банд бўлган миробу механиз-

торлар, фермер ҳўжалигининг ҳар бир аззосига зарур шароит яратаяпмиз.

Мен Раънонинг «Бизнинг деҳқон пахта илмини яқши билади», деган гапини чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрдим. Бу гап замиридаги маъно шундаки, деҳқонларимиз пахта илмини чуқур билиш билан бирга боғ илмини, сабзавот-полиэ етиштириш илмини ҳам санъат даражасига кўтариши зарур. Нега деганда, ҳозир кўп фермеру деҳқонларимиз ҳавас қилиб, яқши ниятда эрта баҳорда катта-катта майдонларга дарахт экиб, боғлар бунёд этишадди. Бироқ экилган ўша икколлар ҳаққий боғ бўлгунча, эҳ-же, аттанг дейсиз, не-не кўчатлар қуриб қолади. Кўчарганлари ҳам дурустроқ парварши қилинмагани, боққа қараш илмидан хабарсизлик боис дурустроқ ҳосил бермайди.

Нега шундай? Ё боққа қарашга деҳқоннинг қули тегмайди, ёки боғ парваршини ҳам худди пахтани билганидек билимайди. Ҳолбуки, боғидан яқши ҳосил олган деҳқон пахтаси учун ҳам шароит ярата олади.

Дала бошида гурунг қизиб турган пайт бир сабаб билан Раънонинг адабиётдан бинойиди хабардор эканини сезиб қолдим. «Сизни эсладим, қишлоқимизда «Тоҳир ва Зухра» ёдгорлиги очилганда пойтахтлик адиб ва олимлар билан келгандингизлар. Ўтган кун телевизорда кўрсатишди: Дўрмон боғидида «Ижод» уйларидаги таъмирдан чиқарилиб, обод бўлибди. Энди зўр қисса, романларни мазза қилиб ўқирганимиз-да. Шароит яқши бўлса, ижодга ҳам барака қиради-да», деб қолди. Мен унинг гапини тасдиқлаган бўлиб, бош қимирлатиб қўйдим. У эса сўзида давом этди:

— Ёзувчи ва расмолар, майли, бир йил эмас, бир ой ҳам эмас, ҳеч бўлмас, атиги бир ҳафта дала шийпонимиз-

да бўлиб, деҳқон меҳнатини яқиндан бир кузатсайди, яқши-яқши асарлар ёзарди, қизик-қизик мавзулар топарди, — дейди у. — Расмоларимиз ҳам нуқул натюрморт ё-тоғ-тошларини, чиройли қизларнинг расмини чизишди. Юз-кўзини офтобдан ҳимоялаб, оппоқ рўмол билан тангив олган ойдаи қизларимизнинг ранг-рўйини мусаввирларнинг асарларида кўрсак, уларнинг қалбидидаги муҳаббат тўғёнларини ўқисак, деймиз. Қанча-қанча ёш адибларимиз бор. Нега улар бугунги фермерлар ҳаётини ичидан кузатиб, ўрганиб қўлма-қўл ўқиладиган асарлар ёзишмайди. Сабаби — улар ҳаётни ташқаридан кузатишадди. Буларни айтаётганим бун вақтларда китоб ўқини яқши

кўраман, ёшлигимдан «Алпомиш», «Тоҳир-Зухра» каби халқ достонлари руҳида ўсиб-ўлғайганим тўрайли адабиётга ҳозир ҳам қизиқаман. Яқинда «Шарқ юлдузи»да Собир Ўнарнинг «Бибисора» деган қиссасини ўқидим. Адиб бевосита ёшлиғида ўзи кузатган, кўрган, воқеаларни ёзибди. Шунинг учун асари қизик чиққан. Ўйлайманки, унинг муаллифи бугун фермерлар орасида ҳеч бўлмас бир ой ёки бир-икки ҳафта келиб яшаб кўрса, ижоди учун зўр мавзулар топган бўларди. Ахир Ойбек, Абдулла Қаҳҳордай йирки ёзувчилар бирор катта китоб ёзишдан олдин бевосита асар воқеалари кечадиган жойларга чиқиб ҳаётни ўрганганлар, бўлажақ қаҳрамонларини ҳаётдан топганларини кўп бора айтишган-ку?! Наҳотки буни бугунги навқирон адибларимиз унутушган бўлса... Ёки, мана, телевизорда нуқул турк, корейс сериалларини кўра-

миз. Ўзимизнинг ҳаётимиз, ўз тарихимиз, мустақиллигимиз ҳақида қайнаб-жўшиб ёзилган, захматқаш халқимиз мазза қилиб кўрадиган сериалларни кутаяпмиз. Бу гапларни оддий китобхоннинг, истақлири, деб қабул қиласиз-да, энди, Фақат, илтимос, уларни қандай айтган бўлсам шундайича адибларимизга етказинг...

Гузор туманидаги Раъно Жонқувватова етакчилиги қилаётган фермер ҳўжалигидан қайтарканман Истиклол боис руҳияти ўзгарган, ўз ерининг эгасига айланган, зиммасига тоғдек вази фаларини олиб, қўшди энгил юрган, фикри тиниқ, келажакка ишончи зўр қаҳрамонлар ўз ёнимизда эканига ишонч ҳосил қилдим.

Исмоил ТўХТАМИШЕВ

КИРАКАШНИНГ «МУШУГИ»НИ КИМ «ПИШТ» ДЕЙДИ?

Ёхуд йўловчига йўл беринг

Бугунги кунда шаҳар кўчаларини кенгайтириш, йўловчилар учун барча фасиларда қулайликлар тудирадиган йўлқиларни, жомоат транспортни тўхтайдиган бекатларни сошлаб таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Жомоат транспортининг хизмати эса кўнгилдагидек.

Лекин йўловчилар учун ноқулайлик тудираётган бу муаммони алоҳида таъкидлаш ўтқи керакка ўшайди. Бу муаммо хусусий такси ҳайдовчиларнинг бепарволиги ёки бепарқилиги тўғрйли юзага келмоқда.

Кунга кенга бошорага чикаётиб бекатда автобус кутиб турган эдим. Узоқдан мен кутган автобус бекатга яқинлашиб келди. Бироқ жомоат транспортининг бекатда тўхтаб, йўловчиларни олиш имконияти йўқ эди. Негаки, автобус тўхтайдиган жой хусусий такси ҳайдовчилари, яъни халқ ибораси билан айтганда, киракашларнинг машиналари билан тўла эди. Автобус ҳайдовчиси бир амаллаб рулни четга бургандан сўнг бекатдаги одамлар автобус эшигига қараб отилишди. Ҳамма чиқиб бўлгандан сўнг автобуснинг йўлга тушиши муаммо бўлди. Чунки олдинда киракашлар йўлни тўсиб турган эди.

Бундай ҳолатга исталган бекатда гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бозорларга борасизми, марказларда бўласизми, метродан чиқасизми, хуллас, сизни машинасида кутиб турган хусусий киракашларга рўпара келасиз. Уларнинг дастидан на автобуслар, на йўловчилар бемалол ҳаракат қилолади, оқибатда жомоат транспортни иш режаси, йўловчиларнинг асаби бузилади. Бу ҳолда эса, хусусий такси ҳайдовчиларнинг парволига ҳам келмайди. Улар автобус бекатларини «забт» этгани камлик қилгандай гиёдаларнинг йўлини тўсиб, «Керага?», «Қанча берадиз?» каби саволлар билан ҳуноб қилишади. Оқибатда юзага келган ти-

қин кўчалардаги транспорт ҳаракатини издан чиқаради. Бу эса, худо кўрсатмасин, бахтсиз йўл-транспорт ҳодисаларига олиб келиши мумкин.

Ҳар бир муаммонинг ечими бўлгандай, кўчалардаги гиёдаларнинг эркин ҳаракат қилишига ҳалақит берувчи бу ноқулайликни ҳам бартараф этса бўлади. Лекин ҳар бир хусусий такси ҳайдовчиларига тушуниришини, уларни инсофга қачиршини иложи йўқ. Албатта, йўловчилар орасида тақсига эҳтиёж сезадиғанлар ҳам топилади. Кўчалардан хусусий таксилар тўхтайдиган жойлар бўлсангиз, сўнгги пайтларда автобус тўхтайдиган жойлар сариқ чиқиб билан ажратиб бунё қўйилди. Пойтахтимиздаги бу белги фақат жомоат транспортлари тўхташ жойини билдиради. Агар хусусий такси ҳайдовчилари ҳам шу белгига риоя қилиб, тартибни бузишмасга, йўлайманки, бундай муаммоларга нуқта қўйилган бўларди. Аҳоли ҳам, жомоат транспортни ҳам бемалол ҳаракат қилиб, ҳеч қандай йўл муаммоси юзага келмайди.

Куюнчак газетхондан мактуб

диган махсус жойлар ажратилса, ҳарқалай, бу муаммо ҳам тартибга тушган бўларди. Бу ўринда яна бир нарсасга аниқлик киритиш керакки, бундай йўл-патрул хизмати назоратчилари кўча қондасини бузган, айтилик, светофор чирогига риоя этмаган ёки бўлмасга тезликни оширган ҳайдовчини жазолаб, тартибга қачиради, жомоат транспорт бекатларини эгаллаб олган киракашлар қолганда қатъият кўрсатишмайди!

Мадина РУСТАМОВА, талаба

Журналларни варақлаганда

«Хуқуқ ва бурч» 2010 йил, 6-сон

Журналнинг янги сони Мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишланган мақолалар билан очилади. Жумладан, Олий Мажлис Сенати раиси ўринбосари Мавжуда Ражабованинг «Мустақил тараққийнинг ёрқин йўллари» мақола-сидида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фўқаролик жамиятини шакллантириш борасида қўлга киритилган беқиёс ютуқлар ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашидجان Қодировнинг «Қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш — давр талаби» мақола-сидида қонунчиликдаги суд-хуқуқ тизимининг ислоҳ қилиш билан боғлиқ сўнгги ўзгаришлар шарҳланди.

Истиклол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган суд ислоҳотларидан кўзланган бош мақсад инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлашдир. Бу ижтимоий ҳаётда ўз самарасини бераётган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Холмуҳамид Ёлғоровнинг «Фўқаролик муносабатлари: муаммо ва ечим», Олий ҳўжалик судининг ҳайрат раиси Иброҳим Алимовнинг «Табиркорлик ҳуқуқининг муҳим қафолатлари» мақола-ларида ана шу ҳақда фикр юритилган.

Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларга таълим-тарбия бериш, саломатлигини мустақамлаш изчил олиб борилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсадини ташкил этади. «Баркамол авлод — мамлакат келажати» рунидада берилган мақолалар мазкур мавзуга бағишланган. Шунингдек, ушбу сондаги «Фермерлик ҳаракати — фаровонлик омили», «Қонун устуворлиги учун масъулмиз» мақола-ларида прокуратура органлари фаолияти ёритилган бўлса, «Қонуни ижодкорлиги самардорлашнинг муҳим омили», «Контрактация шартномаларини мақола-ларида адлия органлари фаолиятига доир долзарб мавзулар қаламга олинган. Жомоатчилик назоратининг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштиришга бағишланган мунозара, аҳоли саломатлигига оид ҳамда ҳуқуқшунослик йўналишидаги мақола ва тадқиқотлар билан ҳам журналнинг ушбу сониди танишасиз.



ЎЗТОЗ МУҲАРРИР ВА АДИБ

Адабиётимизнинг азамат да-

рахтидан ҳар бир ашил баргинг сарғайиб, тўқилиши теварак-атрофини кунинг ҳазин ва мунгли қўшиги билан тўлдириб юборди. Бу қўшиқ оҳанглари дилларини

Ҳуқуқ, Миртемир, Шайхзода, Собир Абдулла сингари адабиётимиз даргалари кўнктиришга мажбур этади.

Мақсуд Қориев... Кунга кеча севимли масканлари — «Ўзбекистон овози» газетаси тахририяти ва Журналистлар уюшмаси жойлашган биноларга бориб, ҳаммаша нур ёғилиб турган чораси ва шўх-шан овози билан бир зумда ҳамма ёқни нурафшон қилиб юборган инсон ва адибнинг бугун адам саҳросига кетиши кимнинг юрагини эзмайди, дейсиз? Биз бу ўта завқли, ўта ҳаётсевар инсонни, худди юз йил яшайдиган кишидек, доим кўриб, самимий ҳазилларини, бир чўким ошга таклиф қилувчи сўзларини эшитиб тураемиз, деб ўйлар ва шу гўзал ишонч билан яшай эдик.

Мақсуд Қориев дунё кўрган киши эди. У узоқ йиллар давомида мамлакатимизнинг энг эътиборли газеталарига муҳаррирлик қилганига қарамай, ўта камтар ва самимий инсон эди. У шу йилларда истеъдодли журналистларнинг бир неча авлодини тарбиялаб, уларнинг айимларига оталарча меҳроқибат кўрсатди. У раҳбарлик қилган нашрлар партиянинг

карнай ва сурнайлари бўлганига қарамай, уларни, ҳозирги атамга билан айтсак, юксак маънавият минбарига айлантиришга интилди. Бу нашрларнинг саҳифаларида Ойбек, Фағур

Ҳуқуқ, Миртемир, Шайхзода, Собир Абдулла сингари адабиётимиз даргалари кўнктиришга мажбур этади.

Мақсуд Қориев...

Туйғу, фикр-мушоҳада ва тасвир — буларнинг бариси Шарқ адабиётида, аввало, мазмун ва моҳиятга асосланади. Эски адабий матнлар билан танишганда сўзинг баъзан ўнлаб маъно-мазмун билан қизиқишга тўғри келади. Агар шундай қилинмаса, айтиб бериш жуда қийин бўлади. Айтиш бериш жуда қийин бўлади. Айтиш бериш жуда қийин бўлади.

Мехрибонлар қани, аҳбоб доғи! Ҳамишлар қани, аҳбоб доғи! Барча гурбатда хиром айладилар, Хулд боғи мақом айладилар. Ҳурбат дейилганда, асосан, эл-юртдан жудолан, айрилиқ ҳасрати каби маънолар тушунилади. «Гурбат» гурбатка хиром айладилар» дейилганда эса, «гурбат» сўзи нариги дунё, яъни охираат мазмунида қўлланилган.

Кичиқи васл тилар, гурбат ихтиёр этуви, Ул орзуга бурун тарки хонумон яхши. Бу байтдаги «гурбат» энди бутунлай бошқа моҳиятга эга ва унинг ўлим ёхуд охираат тушунчасига алоқаси йўқдир. Маълумки, тасаввуф психологияси жиҳатидан сўфий, дарвеш ва орифлар учун гурбат ҳаётини яшаб, гариблик изтироб ва қийинчиликларини кўнгиладан кечириб жуда муҳим ҳисобланган. Чунки мусофирлик ва мусофирликдаги ҳаёт, тажриб, тафрид деб аталган ёлғизлик ҳолатларини чуқур идрок айлашга имкон берганидек, инсонни ёлгон дўстлик,

да ҳам Бағдодий шарҳлаган тавҳидга ишоратни сезиш қийин эмас. Бундан ташқари, шoirнинг «гурбат ихтиёр эт-сун» деган чорлови замирида висол тилар киши гариб бўлсин, гариблик мақомига кўтарилисин, мазмунидаги фикр ҳам мавжуддир. Улуғ шoir «Сади Искандарий» достониди:

Навоий, чу гурбатда сен шод бўл, Ватан ёли ранжидин овоз бўл!

Агар Шарқу Гариб ўлса манзил санга, Не ғам, ком агар бўлса ҳосил санга — дейди. Одам гурбатда, яъни эл-юртидан йироқларда юриб, гарибликда ҳам шод-хуррам кун кечирishi мумкинми?

«Гурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш...» мисраси билан бошланадиган машур рубойини таҳлил қилган олимларнинг деярли барчаси ушбу саволга мантқан «Йў! Ҳеч мумкин эмас!», дея жавоб қайтаришган. Мана, мактаб дарсликларидан бирида гурбат тушунчаси қандай ёритилган: «Ҳар бир инсон, жонзот ўз ватани, ўз тупроғида азиз,

кўп тадқиқотчиларни мақола ва китобларида уни четлаб ўтмасликка раббатлантирган, десак хато бўлмас. Аввало, бевосита шу шеръдан баҳс юритган айрим навоийшуносларнинг фикр-мулоҳазаларига тўхталиб ўтсак. Устод А.Ҳайитметовга кўра, мажзур рубойини Навоий «ёшлиги охирида, гоҳ Машаҳдада бир бурчақда, гоҳ Ҳиротда бир бузугда ҳеч бир кимсаннинг ёрдамисиз яшаб юрган йилларда» ёзган («Навоий лирикаси», 1961, 61 — 62 бетлар).

Орадан бир неча йил ўтгач ёзилган «Буюқ шoirнинг йигитлик манзумалари» номли мақолада олим бундай дейди: «...Навоий биринчи бор давлат хизматида киргандан кейин кўп ўтмай 1457 йилда Абулқосим Бобур вафот этади. Мамлакатда яна ўзаро феодал низолар бошланади. Бу вазиятда Навоий Машаҳдада қилиб, у ердаги мадрасаларнинг бирида илм ўрганишида давом этади. Навоийнинг ўзи туғилган она шаҳри Ҳиротдан, қавму қариндош-

Гурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш, Эл анга шафику меҳрибон бўлмас эмиш. Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса, Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш — деб ҳазрати Алишер Навоий бекор-га айтмаганлар. Мен ўз эрки булбулдай қизимни Бойқаронинг сунъий гуллари ўсган, олтинланган сарой қафасида сил бўлиб ўлишини истамайман» (Гафур Гулом. Адабий-танқидий мақолалар. 1- жилд, Тошкент, 1971, 112 — 113- бетлар).

Эҳтимол, бундай воқеа-ҳодиса ҳаётда ҳеч қачон содир бўлмагандир. Содир бўлганда ҳам Навоийнинг рубойиси эсланмагандир. Гап бунда эмас. Асосийси рубойида эркинлик руҳининг ифодаланиши ва ҳар бир кишини шунга илҳомлантиришидир. Одамни ана у тупқун ва қул, мана бу ҳур ва эркин, дейиш нисбий гап. Инсон тугилиб ўсган дерида ҳам ўзини ёлғиз ва гариб ҳис қилиши мумкин. Покистоннинг буюқ шoirи Муҳаммад Иқбол бир тўртлигида: «Ман андар Машрику

ти бўлмиш ақл ва илм уни кутқаришга қодирдир. Зеро, инсон ақл ва илм йўли билан тўла поклангач, гурбатдан халос бўлиб, асил ватанига қайтади. Ислому сўфий ва мутасаввифларнинг тасаввурида ҳам вужуд бир қафасни, руҳ эса унга қамалган қушни (кўпинча булбулни) тамсил этади. Қушнинг асосий орзу ва интилиши қафасни тарк қилиб, ўз «ошён»ига қайтиш бўлганидек, руҳиники ҳам азалий юртга етишиб, соф мо-

Навоий гулшани

хиятга такрор қовушмоқдир. Ҳақ ошқилари учун бир идеал мақомига кўтарилиб бу ҳақиқатни Навоий мана бундай сўзлар билан ҳам ифодалаган: Улдин кутла, Навою мақсадаг етк, кўш Етмас чаманга, бўлса қафас ичра мубтало. Байтдаги «кўш», «қафас» образи рубойида қўлланилган «булбул» ва «қафас» мазмунини янада кенгроқ англаб, мушоҳада юритишга яқиндан ёрдам беради. «Кўш», яъни «булбул» руҳ, «қафас» вужуд ўрнида қабул этилса, «гурбат» ва «гариб» сўзларининг истилоҳий маъноси билан ҳам жиддийроқ қизиқиш заруриятга айланмайдими? Биз «Гурбатда гариб шодмон бўлмас...» номли мақолада шу саволга жавоб қайтариш ва рубойининг «иккинчи маъно қатлами»ни имкон қадар очиб беришга урингандик

(«Тасаввуф ва шеръият», Тошкент, 1991, 116 — 123-бетлар). Мақоладаги талқинга устоз олимларимиздан билари матбуотда эътироз билдирган бўлса, бошқа бир тадқиқотчи уни ўзича қўллаб-қувватлаган. Аммо ҳеч ким гурбат тушунчаси ва гариб образининг тасаввуф адабиётидидаги макъеи, маъно қирралари, образли ифода тарзи билан ханузгача махсус қизиқмаган. Бу ишни амалга ошириш фақат Навоий рубойисининг ботиний моҳиятини билиш учун керакми? Йўқ, албатта.

Навоий учун ирфон ва кўнгилик кучи билан ўзлаштирилган сўзлардан бири «гариб» эди. Улуғ шoir ҳатто шерълари ва уларнинг маъноси хусусида фикр юритганди ҳам шу сўзга суянади: Назим ичра гариб маънилар, Гуробо хайлидан нишопа лурур. Анда ҳар байт неча маъна ила Байт эмаским гарибхона эрур. Ёки мана бу байтни олайлик: Тут гариб ун била паймона манга, Кўрғузуб худки гарибона манга. Ҳўш, «гариб» сўзининг сеҳр ва жозиба сири нимада?

О.Охундов тўғри изоҳлаганидек, аввало, унинг маъносига тақрорланмас бир лиризм мавжуд. «Гариб» сўзини у ёки бу образ ва нарсга учун эпитет ўлароқ ишлатилса, худди бир қоидага ўхшаб ўша объектга дарров хусни рағбат уйғонади («Тил эстетикаси», Баку, 1985, 206-бет). Масалан, шом эмас, «шоми гарибон», яхши ё чиройли қисса эмас, балки «гариб қисса» дейилган замон қизиқиш ўзгариб, ўзгача тус олади. Шунингдек, «гариб» сўзининг мусофир, бечора, кимсасиз, мушфиқ, мададага муҳтож каби маънолари билан бирга ўзгаларга ўхшамайдиган инсон, дунёни билишда илгариланган, турмушининг ўткинчи, майда-чуйда ташвишлари га ҳеч парво қилмайдиган шахс, деган маъноси ҳам бордир. «Гариб» хоксорнинг қадри олий бўлганини англа», дейди ўтмиш шoirлардан бири. Ислому оламида гарибга эҳтиром, гариблик ҳолини қадрлаш пайгамбаримиз саллаллоху алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларига бориб тақалади. Расуллиллоҳ бир кун муборак қўлларини Ибн Умар (р.а.)нинг елкасига қўйиб, «Дунёда ё бир гариб ёки йўлиги каби яшогил», деган эканлар. Гариблик ҳоли ва ҳақиқатини изчил идрок этиш ва ҳақиқий гарибни шарафлаш ана шу пайтлардан бошланган бўлса ажаб

эмас. Гариб, энг аввало, нимага яқинлаб, нимадан йироқлашишни, кимга суялиб, кимлардан алоқани узиш зарурлигини мукаммал англай билган кишидир. Дунё чин гарибни йўлдан оздирилмаслиги ва унинг пойига бош уришни теран англагани сабабли ҳам Навоий ҳазрати Муҳаммад саллаллоху алайҳи васалламнинг ўша ҳадисларини шеръга айлантирган эди:

Деди ҳазрати муҳофиз коинот, Анга ким эди ҳузуни ўқситгучи.

Ки, дунёда бўлган нечукким, гариб Ва ёхуд анингдек, йўл ўткучи,

Хуллас, Пайгамбар (с.а.в.)нинг эътирофлари бўйича, «Оллоҳнинг энг севимли куллари гариблардир». Ахлоқ, тафаккур, маънавий-руҳий мушоҳадада юксалиб, сезиларли тарзда бошқалардан фарқланганда гариб тўғрисида, албатта, бундай дейилмасди. Лекин Оллоҳ муҳаббатига лойиқ ҳамма кишини ҳам ҳақ таниб, тан олганми? Сўфий, дарвеш, фақир, гариб, ориф ё ошқика нисбатан бундай савол ўртага ташланмайдими. Чунки уларда тан олиш ё тан олмаслик, ўзгаларга ёқиб ёки ёқмаслик, деган муаммо йўқ. Дунё ва ахли дунё назарга илсин ва илмасин, гарибга бу зарра қадар ташвиш тугдирмайди. Унда нима учун:

Гурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш — дейилган? Ўз талғани йўли, маслага ва интилишларига собитлиги учун эл-юрт, ёр-биродарлардан йироқлиқни зоҳирий гурбат, маконсиз, замонсиз ҳар доғидан айрилиқни ботиний гурбат дейдиган бўлсак, гарибни гариб ўлароқ қайта яратиб, илоҳий ирода ва ноёб фазилатлар соҳибига айлантирадигани кейинги «гурбат»дир. Абдураҳмон Қошиқий ёзади: «Гурбат — айрилиқ, жудолук демак. Бу айрилиқ нафсининг ҳайвонликдан, табиий қўниқма, шахсоний орзулардан, касрат мартабалиридан, жисмоний-шайтоний қирраҳоллардан ботин мартабасига, хотиржамлик ҳукмлари, малакий-руҳоний хулқларга етишиб пайтмида юзага келади» («Тасаввуф лугати», 418-бет). Албатта, бу гурбат — нафс билан курашиш, нафси аммолага қарши матонат ила жангга киришиш ва ундан ажраллиш гурбати. «Шу боисдан у ҳақиқ ишлаш гурбати дея номланган. Ҳазрати Пайгамбар, «Ҳақиқи толаш эмтук гурбатдир» деганлар», дейди Қошиқий. Унингча, «Гурбат валиқнинг бир даражаси», деб қаралгани тўғрисида ҳам «сўфийлар гурбат қалимаси орқали кўп муҳим фазилатларга ишорат қилишган».

Инсон умри руҳоний оламдан борлиқ оламига, ундан яна охираат дунёсига муборак бир сафардир. Бу моддий оламда у боқий қолмоқ учун эмас, балки малакут оламига қайтиш учун тугилади. Шу сабабдан ҳам унинг ҳаёти ва тақдир йўли бир ҳикрат, бир сафар, бир хотира мазмунига эгадир. Қўз очиб юмғуна ўлиб кетадиган бу оламга инсон мусофирдан келган. Шу учун руҳ доимо аслий ватанини қўмсаб, энг шафқор, энг нури маънавий ҳоллар орқали унга гариблигини эслашиб туради. Акс ҳолда, Бобур Мирзодай улкан бир салтанат соҳибининг кўнгилида:

Рухини чу тан уйига келтурдинг пок, Муъддан бори элитма касофат билра — деган бир ташвишли орзу пайдо бўлмасди. Рухнинг «латофат билра» яратилганини билиш, тани унга ошқ бўлади дегани даражада софлаштириш — инсонни сайри сулуққа илҳомлантирган тўп моҳият ана шу. Тасаввуфдаги ҳол ва мақомлар мулк тарзда бир-бирига боғлиқ, бири иккинчисининг равангага йўл очади. Масалан, гариблик ҳолини англамай ёки яшамай, фақр ҳолини мушоҳада қилиб бўлмаганидек, фано ҳоли камолини ҳам фақрсиз тасаввуф этиб бўлмайди. Аммо фақр ё дарвеш дейсизми, ориф, абдол ёхуд ошқ дейсизми — буларнинг ҳаммасида гурбат ва гариблик ҳоли бўлган.

Шарқ мумтоз адабиёти — моҳиятга толиб, руҳониятга ошқ бир адабиётки, унда модда ва моддийликдан кўра, маъно ва маънавийликка эътибор ҳаммиса юксак бўлган.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ, филология фанлари доктори

МОҲИЯТГА ТОЛИБ, РУҲОНИЯТГА ОШИҚ

ардоқли... ўз юртидан ажралиш фожиа. Инсон фақат ўз ватанида ўзини гариб, бечора сезмайди... Бу тўрт мисра замирига (яъни рубойига дейилмоқчи — И.Х.) шoir олам-олам маънони жо этиб, ватансизлик инсон учун оғир азоб эканини, ҳар қандай шароитда ҳам ўз ерига содиқ қолиш одами бахт-саодатга элтишини таъкидламоқчи бўлади» (С.Ахмедов, Р.Қўчқоров, Ш.Ризаев. Адабиёт (Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик-мажмуа. Тошкент, 2005, 189-бет).

Бу каби фикр-мулоҳазаларни «гурбат» ва «гариб» сўзлари учрайдиган ҳар бир шеръ тўғрисида айтиш мумкин. Лекин Навоий шеръининг илк варианты билан «Ҳазойин улмаоний»дан ўрин олган вариантдаги фарқлар, яъни иккинчи сатрдаги «рафику меҳрибон» «шафику меҳрибон» қалам, «қафас» сўзи билан ўзгарилиши сабаблари атрофлича изоҳлаб берилган. «Бу рубойи», — дейди Е.Исҳоқов мулоҳазаларини ақуллаб, — шoirнинг интим кечинмаларини акс эттирувчи оддий лирик шеръига бўлиб қолмай, балки чуқур сиёсий руҳ билан суғорилган фалсафий фикрларни ўзида муҳассамлаштирган ичмам фалсафий тезис ҳамдир» (134-бет).

Шеръ ўқувчида қанча кўп мушоҳада уйғотса, гоёвий асосини ҳаёт ва инсон қисмати билан боғлашга нечоғли кенг имкон берса, ўшанча яхши ва фойдалидир. Шу маънода академик шoir Гафур Гулом нақл қилиб қолдирган бир ҳикоятни хотирлаш ҳам ҳеч зиён қилмайди. «Ривоятга кўра, Хир Руд ва Инжил наҳри қапталлида сўлим бир қишлоқда Сафарбойи деган бир қўпун яшаган экан. Унинг гўзал қизи бўлиб, довриги Хусайн Бойқаро саройигача етиб борибди». Хуллас, хуснда якто шу боқира қизни олиш учун подшоҳ ҳазратлари Сафарбойига киши жўнатибди. У эса совчаларга мана нималар дебди: «Қизим тўрт этаги осмон билан туташиб ётган шу беповён яланг қирларнинг овоз гизилолди дашт қизидир. Албатта, у мухташам, аммо қатта қалъа деворлари билан ўраб олинган димқда яшолмайди...

Мағриб гарибман» — «Мен Машрику Мағрибда ҳам гарибам», дейди. Навоийнинг рубойиси худди шунанга аҳоқолди эртлар қалбига ҳам таъсир ўтказиб, бири тасалли бағишлаганини тасаввуф этиш қийин эмас. Чунки гурбат қайфияти ва гариблик ҳолининг миқёси биз билганга нисбатан кенг ва бағоят терандир. Дарвоқе, бир жиҳат ҳаёлдан кўтарилибди. Успири Навоий рубойисини ёзишда бирор-бир салафидан таъсирланмаганми? Ахир, гурбат ва гариблик мавзусида ёзишни шарқлик даҳо санъаткорларнинг айтарли барчаси қойиллаштирган. Масалан, Ҳофиз Шерозий рубойиларидан бирида:

Ғамн гарибу гурбат чу бар наметобам,

Бу шаҳри худ раваму шаҳриёри худ бошам — дейди. Мазмуни: Кимсасизлик ва юртдан жудолук ғам-ғуссасизга тоқат қилолмайман. Қани эди ўз шаҳримга борсаму унинг подшохи бўлсам.

Навоий «Ғавойид ул-кибар»даги газалларидан бирида ёзади:

Ғариқ муҳити ишқинг эди жон ила кўнгул, Ул дамки, руҳ эмас эди тан бирла ошмо. Мазкур байт дин, тасаввуф, фалсафа манбаларига таяниб батафсил шарҳланса, ҳеч лоғиёз «Рух ва вужуд» номли бир қизиқарли китоб дунёга келад. Ва унинг аҳамиятини Муҳаммад Фузулийнинг «Матлаъ ул-эйтиқод» асаридида мана бу сўзлар жуда аниқ изоҳлайди, деб ўйлаймиз. «Ҳар ким руҳнинг бадандан қандай жой олишини, руҳ билан баданининг бирлашиш ва фарқланлиш жиҳатларини билса, Тангрининг ҳам борлиқларда қандай зуҳурлашини, Тангри ила борлиқларнинг айният ва фарқли томонларини билар ва шу тарзда «Нафсини билган Раббини ҳам билар», деган ҳақиқатга эришгай». Зотан, руҳнинг аслий ва азалий ватанидаги ҳаёти бир тарих бўлса, «тан уйи»га киргандан кейинги қисмати тамоман ўзга бир саргузаштлар тарих. Бу «тариқ» турли дин ва таълимотларда турлича талқин қилинган. Афлотунга кўра, руҳ дунёга инмасдан аввал Оллоҳ билан бирга яшаб, ундан ҳеч ажралмаган. Кейин дарёдан ажралган томчиға ўқира Оллоҳдан айрилиб, бу кўпқалар дунёсига келган. Яъни тан қафасига кириб, бир соғиним маҳбусига айланган. Шу боис, ундан чиқиб, қутулиш ва аслий ватанига қайтиб, Оллоҳга қовушиш ҳасратиди фарёд чеккани чеккан.

Моне динига кўра, руҳ жасад билан бирлашган, қоронғуликка тушиб асир бўлади. Аммо Тангрининг лутфи иноя-

таётганига далолатдир. Шунинг учун ҳар бир инсон, жумладан, шoir ҳам доим ўзини-ўзи тафтиш этиб бориши, ўз сийратига кўзга тута билиши лозим. Акс ҳолда қалами сийқаси чиққан сўзлар майдонида тойилиб кетиши ҳеч гап эмас:

Энди тунлар қўлимга олиб, Эрқалайман гўдақ қалбини. Айтаг десам ичимда сўз йўқ, Сўгинман юрак дардимни.

Юрак дардининг соғинчи шoirни ишқ оламига етаклайди. Бу оламда у ошқ эмас, Ишқнинг айнаи ўзидир.

Ишқдирман — Тегранда айланган олов... Ишқдирман, Дил қулар музтариб шеръдан. Яна дард, яна сўз, яна бу исён, Сўгурчи олади руҳини ердан.

Рух — илоҳий оламга тегишли буюқ сир бўлса, жисм — тупроқдан яралган вужуддир. Шеръ ишқи, Сўз муҳаббатни шoirни тупроқ оламидаги майда ташвишлар, ўткинчи хою ҳавасдан фориг бўлиб, руҳият юксакликлари томон парвоз қилишга ундайди. Рухият парвози — ижод демақдир. Ана шундай шонли машаққат Ҳасиб Абдуназарнинг доимий йўлдоши бўлсин, дегим келди.

Нуржохонбегим АВАЗОВА



сунъий улфатчилик ва бетайин манфатлардан йироқлаштиради. Энг муҳими, гариб киши шон-шухрат, манманлик тузоқларидан ҳам қутулиб ўзи билан ўзи юзма-юз қолади. Бу эса, ўзини англаш, илгариллаш ва комилликни истовчи кўнгилик учун гўзал фурсатдир. Тасаввуфда икки хил савҳатдан баҳс юритилган. Бир — вужуд савҳати, иккинчиси — қалб савҳати. Булар моддий ва маънавий савҳат ҳам дейилган. Абдулқарим Қушайрий сўфийларнинг аксарияти сулуқларининг бошларида ва ёшлик чоғларидан кўп сафарга чиқиб, сўнгра зуллатта чекинганлари тўғрисида сўзлаб, Жунайд Бағдодийнинг куйидаги мулоҳазаларига эътибор қаратади: «Тавҳиди сўфийга шундайдир: қадим бўлганни ҳадис бўлгандан ажратиш, ватани тарк айлаш (моддий ва маънавий маскан, мақом, макъа ва ҳоллардан йироқлашиш), нафс севган ва тиланган нарсалардан алоқани узиш, маълумни ҳам, мажхулни ҳам четга суриб, буларнинг барчасининг жойига Оллоҳни иқома этмоқдир» («Рисолаи Қушайрий», 476 — 477-бет).

Навоийнинг васл орзусини тарк ва гурбатга вобаста тарзда ифодалаш-

қарши ва ижодиётининг тўп моҳиятини англашга хизмат қиладиган «қалит» истилоҳлардан саналади. Акс ҳолда Навоий девонларидаги:

Гурбат ичра истар эрдим кезибон ёру дийёр,

Чунки топдим, истамак гурбат эрур беҳад гариб —

каби байтларни англаш, тўғри талқин қилиш йўли ўз-ўзидан тўсилади. Бизнингча, навоийшунослиқдаги энг катта бир нуқсон ҳам ана шу. Бундоқ қараганда, «Гурбатда гариб...» рубойиси тўғрисида айтилмаган гап қолгани йўқ. Лекин ҳақиқий шеръ учун ҳеч бир шарҳ, таҳлил ва талқин охириги хулоса бўлолмаганидек, аввал англашнинг аниқлаш, хануз ёритилмаган маъно қирраларини ёритишга асло монелик қўрсатмайди. Худди шу эҳтиёж тўғрисида рубойига қайта мурожаат қилиб, уни батафсилроқ таҳлил этишга уриндик.

Гурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш, Эл анга шафику меҳрибон бўлмас эмиш. Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса, Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш. Рубойининг, айниқса, ватан ва ватансеварлик эътиқодига нисбат берилиши

Доимий ҳамроҳ «МУСАХХИР АЛ-БИЛОД»

Муҳаммадёр ибн Араб Катаган қаламига мансуб «Мусаххир ал-билод» (Мамлакатларнинг эгалланиши) асариди Ватанимиз тарихининг 1498 — 1612 йиллар даврига оид воқеалар қаламга олинган. Тарихга оид бу кўлэма манбанинг ҳозирча илм аҳлига иккита нусхаси маълум. Улар УзР ФА ШИ ва Россия ФА ШИ Санкт-Петербург бўлими қўлэмалар фондида сақланади. «УзАС» ўқувчилари «Мусаххир ал-билод»нинг шарқшуносу Исмоил Бекжонов таяёрлаган илмий-танқидий матни асосида эронлик олима Ноҳира Жалолӣ томонидан Техронда кириш сўзи ва зарур изоҳлар билан 2006 йили нашр қилингандан хабардорлар. Мана энди «Мусаххир ал-билод» китоби ўзбек тилига таржима қилиниб, «Янги аср авлоди» нашриётида 2009 йили кўп нусхада chop этилди.

Асарни ўзбек тилига Исмоил Бекжонов ва Дилором Сангирова таржима қилишган. Нашр изоҳ ва кўрсаткичлари билан таъминланган. Кириш сўзида «Мусаххир ал-билод»нинг кўлэма нусхалари, ўрганилиш тарихи, Техрон нашри ва асарнинг тузилиши, мазмуни ва ўрта Осиё тарихини ўрганишдаги аҳамияти ҳақидаги фикр юритилди. Мазсўл муҳаррир профессор Шодмон Воҳидов.

Иқтидорли шoir Ҳабиб Абдуназарнинг «Гулларини қумсаган оғоч» шеръий тўплами («Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат нашриёти, 2009) билан танишиб, шеръни англаш ва тўғри баҳо бериш учун асосий ҳақам ўқувчининг кўнгли эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Мажмуага ёзилган сўзбошида таъкидланганидек, «дунёдаги жамики шoirу мусаввирлар кўнгилининг суврати, сийратини чизмоққа машғулдирлар, аммо Бехоздо Рафаэль, Данте ва Навоийдан бошлаб, бугунги кунгача ҳеч ким Кўнгилга муқамал таъриф бера олгани йўқ. Зотан, кўнгилини билиш, Кўнгилини англаш — Ҳаққа ёвуқ келиш демақдир».

Ҳабиб Абдуназар ҳақиқатни осмону фалақдан эмас, балки ўз кўнгилидан излайди:

Сени хаёл дедим, кечамда эрдинг, Сени само дедим, ёнимда эрдинг. Сени дарё дедим, аниқимда эрдинг, Меърож қўда дедим, кўнглимда, дединг.

Шoir иродаси мустаҳкам, эзгуликка интилишча собитқадам лирик қаҳрамонини қоятошларни ёриб, кўшга талпиниб яшовчи майсага ўхшатади. Зоҳиран, харсантошга нисбатан ўла кучсиз, заиф кўринса-да, гиёҳ аслида дағаллиги қаттиқлигини майинлиги билан енгган эзгу кўннинг тимсолидир.

Тошлар орасида заиф гиёҳдек, Нурларга талпиниб кўкарди таним. Соғинч эрқалиниб бир меҳр кутди, Дилим, дардимизга боқмади ҳеч ким.

Меҳр — кўёш демак. Тансиқ бу қутлуғ туйғу соғинч ва умидга доимо талпиниб

Китобингизни ўқидим

Кўёшли кўшиқ

яшовчи юракларга ҳарорат, мунавварлик бағишлайди, янги қувват ва шижоат билан яшашга, курашишга ундайди. Шу сабабдан бўлса керак, шoir ўз юрагини «кўёшли кўшиқ» деб атайди:

Суйғувчи дил — умид ўланам, Эртакчи ўй, кўёшли кўшиқ, Шу эмасми сен-ла ёнма-ён, Юрагимда югурган оғрик.

Юракдаги оғрик — шoirни қийноққа солувчи ва шу қийноқ орқали хузур-ҳаюват бағишловчи доимий ҳамроҳ. Шoir дардсизлик дардига мубталоликдан оғоҳ бўлишга ундайди, одамликдан қувончу ташвиш, ғам-аламини ўзининг дарди-дек қабул қила олиш салоҳияти инсонийлигининг, қолаверса, шoirлиқнинг асл мезони эканлигини уқтиради. Шoirнинг қалби сўздан бўшаб қолгани — кўнгилик тошга айланиб бораётганига, ҳайрат ва ҳавас, ишқ ва тафаккурдек мўжизавор туйғулар бегоналашиб ке-

таётганига далолатдир. Шунинг учун ҳар бир инсон, жумладан, шoir ҳам доим ўзини-ўзи тафтиш этиб бориши, ўз сийратига кўзга тута билиши лозим. Акс ҳолда қалами сийқаси чиққан сўзлар майдонида тойилиб кетиши ҳеч гап эмас:

Энди тунлар қўлимга олиб, Эрқалайман гўдақ қалбини. Айтаг десам ичимда сўз йўқ, Сўгинман юрак дардимни.

Юрак дардининг соғинчи шoirни ишқ оламига етаклайди. Бу оламда у ошқ эмас, Ишқнинг айнаи ўзидир.

Ишқдирман — Тегранда айланган олов... Ишқдирман, Дил қулар музтариб шеръдан. Яна дард, яна сўз, яна бу исён, Сўгурчи олади руҳини ердан.

Рух — илоҳий оламга те

Азим Суюн

АЙНИ ЁЗ, ОСМОНДА ЮЛДУЗЛАР ЙИРИК

ВАТАНИМ

Ватаним — водийлар, боғлар ўлкаси,
Ватаним — воҳалар, тоғлар ўлкаси.
Икки она дарё оралигида
Марди майдон, кўнгли чоғлар ўлкаси.
Фикру жисми хур уйқоқлар ўлкаси!

Энг юксак нуқтаси эрур Ҳисортоғ,
Унинг чўққисига чиқдим атоқлаб,
Хаёл кучолмаган Ватаним кўсини
Сиру Амударём ётар кучоқлаб.
Ватаним — зар тупроқлар ўлкаси!

Бир ён: оппоқ булут — юксаклар қори,
Дилимни сайратар улар виқори.
Бир ён: этакларда, дашт-адирларда
Жонларга ўт ёқар қизгалдоқлари.
Ватаним — ол қизгалдоқлар ўлкаси!

Олоуи Тёншон бағр — боғлари
Кўлириб ётибди, ох, кучоқлари.
Ўн тўрт куллик ойдек кўринар кўзга
Офтобурга туташ нур булоқлари.
Ватаним — нурли булоқлар ўлкаси!

Нигоҳим Устюртнинг бўй-эиларида —
Энг ботиқ нуқта Юрт кенгликлариди.
Кўкларда жаннатга дунар бу жойлар,
Хаттоки, Қизилкум қумликларида.
Ватаним — сирли ардоқлар ўлкаси!

Қоратоғ дараси — Моҳримда пойдор,
Кўрдим Арчаота шовуллар бедор.
Икки минг йилдан ҳам ошгандир ёши,
Қай юртда, қай жойда бундай арча бор?
Ватаним — қўли қадлоқлар ўлкаси!

Қилчқоқда тоғ маликалари —
Қакликлар сайрашар — сайроқи бари.



Вафодор қушларим туши ёдимга:
Тўрағу заргалдоқ ва булбуллари.
Ватаним — авлод-урпоқлар ўлкаси!

Айни ёз, осмонда юлдузлар йирик,
Ватаним сурати Ҳақ ила тирик.
Уни гўзаллиги учун севмадим,
Ватаним бўй-бастаи халқим билан ким!
Ватаним — бахти порлоқлар ўлкаси!

ЖАВЗО

Кўёшга ҳам уйқу бермайди жавзо,
Кулар бир лаҳза ҳам юммайди кўзини.
Оқномлар дилқушо, тонглр руҳафзо,
Кўзгуга солади ойлар ҳам ўзини.

Булбуллар чаҳ-чаҳи, кумрилар саси,
Саъвалар "Чағ-чағ"и — бир хуморли туш.
Полапон кутмоқда қушлар уяси,
Қалдирғочлар ўқдек сувга ураб туш.

Ҳиллодек ярқираб дехқон ўроғи,
Бел бўйи бедазор — беллар буралган.

Тилларанг бугдойзор, ҳар бир бошоғи,
Сулдулар боқили каби ўрилган.

Ўриқлар шохлари деворлар оша
Гавҳар соққаларин қилади кўз-кўз.
Майна қуш уларни чўқилар шоша,
Елкамга кўнади бир тиллакўнғиз.

О, жавзо тонглари, шуқуҳли тонглр,
Умрим пишқиқчилик тонглари гўё.
Қаён шоммоқдасиз, эй, учкун онлар?
...Кўёшга ҳам уйқу бермайди жавзо.

ЎТОВ

Қорақалпоқ ўтовиди бўлдим кўноқ,
Эрганақ — эшигидан кирдим кувноқ.
Кўкларга ёз, қузу қишга тимсол турар —
Тўрт ёндаги тўрт бўлакки қурч чанғароқ.

Ҳар нимадан ясалмағай ўтов асли,
Қоратолнинг оғочидан унинг асли.
Усталари дувуқ фақат нақш эмас,
Бутун юртда удуеланар улар касби.

Ўн икки ой — ўн иккита оғочи бор —
Ҳар биттаси битта тимсол даввоси бор.
Керагаслар, увуқ фақат нақш эмас,
Ҳар биттаси ҳар маънога эга пойдор.

Ишлатилмас бирорта мих ўтовларга,
Боғланди тери — ултон шардозларга.
Қанотлари ўн олтига етди бўйин,
Ҳайрат солди не бегона, не довларга.

Ўтовларга ёпилади қора кигиз,
Қора кигиз, оқ кигизу олакигиз.
Арқонларда қамчи турар кистирилиб,
Унга-бунга санчиб кўяр игна, бигиз.

Босқур гилам, олачалар тўшамчидир,
Тоболдирик, манглайчалар ясамчидир.
Бок, жекандан тўқилган зар чипталарга
Бўгча, пўпак, туморлари ҳашамчидир.

Ажиниёз, Иброҳимлар овули бу,
Айланишиб кетмас улар руҳи — мангу.
Тун-кечалар ўтовларнинг туйнугидан
Боқишадим мисли юлдуз, мисли оққу.

Қорақалпоқ ўтовиди бўлдим кўноқ...

ШОН-ШАРАФИ ҚУЁШДАН БАЛАНД

ГУРУР ҚЎШИҒИ


Гурур, фаҳрим баланд бўлгин, баланд бўлгин,
Гурур кетган элда асло бахт бўлмағай,
Гурурсизлар тўқ бўлса ҳам, халқ бўлмағай.
Севиб-сыйлаб, шарафлагин ўзбегингни,
Жаҳон узра намойён қил ўзлингингни.

Кучоқ очиб, дилдан деган "Гуруримсан,
Ишонганим, ҳаётимсан, ғамхўримсан,
Ўзимсан-а ўзбегимсан, қалб кўримсан".
Бор бисотинг бахш айлагин миллатингга,
Бор хислатинг бахшида эт элатингга.

Эзгу тилаб ҳиммат тўла қўл очгайсан,
Ўзинггамас, аввал дўстга йўл очгайсан,
Бир-бирингдан баланд бўлиб, дил очгайсан,
Мартабангни юксак айлаб ён ўзбегим,
Гуруринг соф чашмасиндан қон, ўзбегим.

Қисматдан толиққан ночор, бенаво,
Мислсиз ҳасратга қўзлари тўлган,
Измамай ҳам кўйган дардига даво,
Барча истаклари ҳазондай сўлган
Телбавор одамни Миртемир бобо —
Рўмолчаси ила ёшини артиб,
Меҳр ва ҳимматин кўрибди раво,
Энг эзгу сўзлари чин дилдан айтиб,
Тукин дастурхонга бошлаб келибди:
"Еб-ичинг, қайғуни унутинг, дўстим..."

Қадрлаб, ёнида хизмат қилибди.
Меҳмон ҳаяжонда термилибди жим,
Сўғ шoir экани қолибди билиб.
Бирдан ич-ичидан юраги тўлиб,
Баланд овоз ила хайқирди солиб,
Танига бир майли қувонч югуриб,
Дебди, мен ҳақиқий Ҳизрни кўрдим.
Пайғамбар умматига арзирни кўрдим.



Йигит пешонанга бахт қуши кўниб,
Юракдаги севи ториғ буюрсин.
Халоллик гўёи кўксингда уюиб,
Ошиқ бўлиб олган ёринг буюрсин.

Умринг бўйи этсин дўст меҳри насиб,
Қалбинга салоқат қасрини курсин.
Худо тилагингни айласин вожиб,
Манглай тердан топан молинг буюрсин.

Мансабни кўрмагин жонингдан аъло,
Ватан хизматига жонинг буюрсин.
Инсолик тахтидан тушмагин асло,
Эл аро обрўю шонинг буюрсин.

Топганинг юртинга появдоз айла,
Ватан хизматига коринг буюрсин.
Меҳр-муҳаббатинг сарафроз айла,
Халқингга дилингда боринг буюрсин.

Талаба ёзги таътилга чиқ-
қач, туғилган қишлоғига
жўнамоқчи бўлди.

Унинг қишлоғи тоғ этагида.
Шаҳар дўконларига бир-бир
кириб, катта бойваччалардек кўзи-
га кўринган нарсаларнинг нарх-
навосини сўраб-суришгиди, аммо
ҳеч нарса харид қилмади. У олади-
ганини қишлоқ дўконидан олиши-
ни ўйлади. Шуниси маъқул экан.

Қишлоғига мўлжалдан ярим соат
барвақт етиб бориб, дўкон олдида
автобусдан тушди: "Уч-тўрт бекор-
чиқўжа офтобшувоқда нималарни-
дир валақлашиб ўтиришарди.

— Ҳа-а, оғайни, келясанми? —
деб сўради ўтирганлардан бири та-
лабани ҳар кунни кўриб юргандек.
— Урисчани ҳам ўрганясанми?
Талаба улар билан кўришиб-
сўрашмоқчи эди. Бу совуқ тап
туфайли туйқусдан тўнини тес-
қари кийди.

— Нимани ўрганясан, нимани
ўрганясан, айтганим билан
барибир фойдаси йўқ, — деди бўш
келмади, кўзларини тегна
ташлаганини ўйиб олиш қасдида. —
Сен барибир тушунмайсан.

— О-ҳо, тушунмаган бўлиб
қоптилар-да, — деди офтобшувоқ-
да куч йиғиб миясини тўлдирётган-
дек кўринган ҳалиги шоввоз
талаба билан ҳозироқ жанжал бош-
лаб юборадигандек бир алпозда. —
Хўп, ана энди кўраминз, қанча
ўқиганингни, ўқиган бўлсанг ана-
ви билан таллаш-чи...

Узи томонга ишора қилингани-
ни пайқабган нотаниш йигит сер-
гакляниб, гоҳ ўтирганларга, гоҳ
талабага қаради.
— Толик, — талабани кўйиб,
энди ён томонига ўтирилганича
нотаниш йигитга мурожаат қилди
у. — Вот студент... Руский гаплаш,
руский билди...

Нотаниш йигит ўрнидан турди.
Унинг бўйи баланд, кўллари узун-
узун эди. У талабага далил ақин-
лашди. Унинг сап-сарик от юзи-
нинг янги илгичка, кўй кўзларини-
нинг мулоҳим боқини талабага
кимнидир эслатиб тургандек эди. У
кўл узатди:
— Анатолий, — деб ўзини та-
ништирди.

Талаба унинг куракдек кафтига
қўлини кўйиб исмини айтди.
— Жуда хурсандман, — деди
Анатоллий нотаниш жойларда оф-
тобда қаттиқ ялашган эски тани-
шини учратиб қолгандек беҳад
суюниб.

Шу чоқда рус тилидан ҳаминча
қийналиб, синов ва илгичларини
амал-тақал ёпиб юрадиган та-
лаба дўкон олдини ишғол этган
ҳамқишлоқлари наздида бир зум-
да доминманла айланди-қолди.
Улар уч-тўрт дақиқа гурунқ
қилишди. Тамом. Бошқа гап-сўз
бўлгани йўқ. Талаба Толик билан
хайрлашган бўлиб, бош иргачи-да
дўкон томон юрди.

Толик бир лаҳза хаёлланиб
қолди, кейин хайрлашган одамни-
га ниманидир айтиш ёдидан
кўтариладек талабанинг орти-
дан эргашди.

Талаба дўконга кириб борди.
Пештахта ортида куймаланиб
турган сотувчидан бўлак дўкон-
да ҳеч ким йўқ эди. Талаба
томоқ қириб қўйганча, унга
салом берди.
— Ваалайкум... — дея бош кўтар-

ган сотувчи одам боласини ҳам
кўрар кун бор экан-ку, детандек
маҳталлик билан:
— Э, келсинлар! — деди.

Гўлабирдан келган, олтимиш
ёшлардаги тепакал сотувчи жуда
серилтифот, остонадан ким
қадам боссаям унинг маъқеини
билиб, касб-коридан келиб чи-
қиб гап-сўзни дўндирадиганлар
хилдан эди.

— Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш! —
деди у талаба билан кўришаркан.
— Анави... фермадаги молбоқар
ди сотувчи унинг қўлидаги пулни
кўрган заҳотиёқ чап қўлига олган
қоғози унғ қўли билан карнайдай
ўрай бошлаб, талабанинг ортидан
кириб келган Толикка кўз қирини
ташлаб кўяркан.

Талаба оқ қанд, печенье, новвот
сўради.

— Офарин ақлингга! — деб
мақтади уни сотувчи. — Бир ки-
лоданми?

Талаба бош иргачи. У талабанинг
айтганларини бир зумда алоҳида-
алоҳида қоғозга солиб, тарозида
торти-да, уларни қоғоз пакетга
жойлаб, қўлига тутқазди. Талаба
ортига бурилиб, энди дўкондан
чиқётганида пештахта ёнида уй-
маллашиб, негадир ҳадеб чўнтагини
ни кавлаётган Толик дабдурустан:
— Минг сўм қарз бериб тур,
— деди.

Бу талаба учун қутулмаган ҳол
эди: негаки, бу қишлоқда қоққани
қозини, остани хурмачаси бўлма-
ганлар ҳам қарз-ҳавола қилишини
хаёлларига келтиришмасди. Толик-
нинг бу қилиғи сотувчининг ҳам
оғзини очиб қўйганчи.

Талаба Толикка айтган пулни
тутқазди. Толик дарҳол
чўнтагидан чиқарган пулларни
унга қўлида, сотувчидан бир
шиша вино сўради.

Сотувчи пулни олишга
ошиқмади.

— Қарзга вино олиб ичганини
отанг билса мени жонимни
сугуриб олади, — деди.

Толик бу гапни маъқуллаб, бош
иргачи. Лекин, пулни узатиб тура-
верди. Сотувчи ўйланиб қолди.

— Аслида бермасдим-куя... —
деди ён бераётганини билдириб.

Толик ҳамон пулни узатганча
унга тик қараб турарди. Ахирини,
сотувчи унинг қўлидаги пулни худ-
ди тортиб олаётгандек шартта
олди-да:
— Ўпга, — деди.

Толик илжайди.

— Фақат бир шарт бор, — деди
сотувчи оғоҳлангангайтадек тала-
бага ва Толикка бир-бир жиддий
қараш қилиб.

— Қанақа шарт экан? — деб
сўради талаба пул бериб балони
сотиб олаётгандек кўнгли гашланиб.
— Бунини учовимиздан бўлак ҳеч
ким билмаслиғи керак, — деди
сотувчи қатъий қилиб.
Толик шоша-пиша бош
иргачи.
Сотувчи бир шиша винони
қоғозга қанд ўрагандек ўраб, унинг
қўлига тутқазди. Толикнинг оғзи
қулоғига етиб, аввал сотувчига,
кейин талабага миннатдорлик бил-
дириди-да, дўконни тарк этди.
— Ишқилиб, охири бахайр
бўлсин, — дея мингирлаб қўйди
сотувчи узига-ўзи гапирётгандек.
Талабанинг кўнглига
шубҳа оралади.

— Нега бунақа деясиз? — деб
сўради у сотувчига қаттиқ тикилиб.
— Бу ерда ор-номус масаласи
бор-да, одам шундан хавотир ола-
ди, йўқса нима, бир шиша эмас,
икки шишани ҳам ўзим бериб юбо-
раверардим... Бу зормондан
қишлоқда биров оғизга олмас...

— Қанақа ор-номус? — деб сўра-
ди талаба унинг кейинги сўзлари-
га эйтиб бериб.
— Усмонали аканинг ор-но-
муси.

— Қайси Усмонали ака?
— Анави... фермадаги молбоқар
бор-ку...наҳотки, танимасан?

— Нега танимай, ҳаминча ерга
қараб, бир нималарни ўйлаб юра-
диган Усмонали амаки-да.

Сотувчи дўконда ҳеч ким
йўқлигига ишончи қомил бўлса-
да, теварак-атрофга олазарак на-
зар ташлаб олиб, пештахта усти-
га энгашди.

— Шу-у Усмонали ака аскар-
ликда бўлган... — деди шипшиёт-
гандек. — Ҳалиги йигит Усмонали
аканинг ўғли, — деб маълум қилди
сотувчи.

— Толикми?
— Анатолий
Усмоналиевич,
— ишайди сотувчи
талабанинг сўзини
ўзинча тўғрилаган бўлиб. — У киши
аскарликда ўша ерда уйланиб, бир
ўғил, бир қиз ортирган дейишар-
ди. Аскарликдан кейин ҳам қолиб
кешиб, беш-олти йилча ўша ёқлар-
да яшаган. Кейин-кейин юрт соғин-
чи устун келиб, уларни бу ерга
олиб келмоқчи бўлган, кўндирол-
маган, кейин шартта барига этак
силтаб келарган...

— Оиласини ташлаб келганми?
— деб сўради талаба сотувчи ҳамма
нарсани билалгандек.

Сотувчи, шуям савол бўлгани,
детандек галати тарзда лабини бур-
ди. Кейин талабани оғоҳлангангай-
тадек бўлиб:
— Аммо-лекин, унинг ўғли
сендан қарз олганини ҳеч кимга
оғзиндан чиқара қўрма, — деди.
— Усмонали ака кўра-била тур-
иб бу ишга жин қараб турганим
учун аввал келиб мени ёйди, кейин
сени ёйди...

Талаба тарзуви қўлтиғидан туш-
ганча ташқарига чиқди.
Дўкон олдида ўтирганлар би-
роз кўпайган, аммо Толик
кўринмасди.

У ташқарига чиқishi биланоқ;
— Сенга Толик нима деди? — дея
кимдир қичқирди.

Талаба киқтинни қилди:
— Ҳеч нима...
— Кузинга қара-да.
Талаба кетди.

У катта йўлни эндиғина кесиб



уйларига кириб бориб отаси билан
кўришиб-сўрашиб бўлувди ҳамки,
изидан акаси келди.

Энди ўттизга тўлган акасининг
қоп-қора ёноқлари ичига ботган,
ўз ёшдан ўн-ўн беш ёшлар катта
кўринарди. У устачилик қилар,
пойнташу тўнғизгара ишлатарди,
қасбига яраша жаҳди ҳам бурни-
нинг учига турарди.

— Қалайсан? — деди акаси
қўлини узатиб, у ҳар гал қўчқла-
шиб кўришарди.

— Дуруст, — деди талаба ҳам кўл
узатиб.
— Ўқишлар қалай?
— Ёмонмас.
— Қишлоққа келганингда эҳти-

ёт бўлиб юр.
— Тушунмадим...
— Нимани тушунмайсан? Усмо-
нали аканинг анови ўғли билан
нималарни гаплашдиларинг?
— Нимани гаплашдибмиз?
— Менга қара, унинг нима иш-
лар қилиб келганини ким биледи?
Балки, бировни ўлдириб бу ерлар-
да қочиб юргандир, балки, ўғир-
лик қилгандир...

Талаба ўзини зўрлаб қулди.
— Куласан-да, куласан, —
деди акаси бу кулгининг йиғисини
ҳам бор, деган маънода. — У сени
сўрайвериб ҳоли жонингга қўйма-
рай.

— Нима гапи бор экан?
— Айтаримди...
— Бориб сўрай бўлмас.

Акаси талабани катта хавф-ха-
тардан қутқариб қолмоқчи бўлаёт-
гандек:
— Калланг ишламайди-да, энди
шу етмай турувди, — деди. — Сен,
яхшиси, унинг кўзига кўринмай
юр.

Талабанинг отаси ўмровига бо-
лишни тортганча пешайвонда
ёнибшайиб ётганди. Ака-уаканинг тик
турганча нималарнинг муҳомака
қилишайтаганидан тоқати тоқ бўлиб:
— Ҳа-а, нима гап экан? — дея
бақириб сўради.

Ака пешайвон томонга уч-тўрт
олим босиб, орта ўтирилди-да:
— Бу Усмонали аканинг ҳалиги
ўғли билан нималарнидир гапла-
шибди, — деди.

— Гаплаша гаплашар, — деди
ота парво қилмай, — Усмоналининг
ўзи ким-у, ўғли бўлса?..
— У бунини мендан сўрагани-
сўраган.

— Бирон иш-юмуши бўлса
сўрайди-да, — деди ота, шун-
гайм ота гўри қозихонами, де-
ган оҳангда.

Ака кўл ситлатди.
— Сиз кўчага чиқмай ётасиз,
қишлоқда одамлар қанақа бўлиб
кетишганини билмайсиз-да, —
деди энди отасини ҳам аяб ўтир-

май нималаргадир ишора қилгани-
ча. — Қараб турсам, кўча-қуйдами,
тўй-маъракадами улар писир-пи-
сир гап кўзгашапти.

— Э! — ота ётган жойида қан-
дайдир ҳафсаласизлик билан кўл
силтати.

— Нима, сиз уни бу ёқларга бе-
ҳуда келган деб ўйлаясизми? —
деди ака.

— Мен ҳеч нима деб ўйлагани-
м йўқ, — деди ота. — Боқисин
Усмоналининг ўғли экан, ҳам-
қишлоқнинг экан, қондошимиз
экан, қўра тўртиб келибдими,
ўшангга балли...

— Э, қўйинг-э, сиз ҳам ўша
касофатнинг ёнини олманг.
Ота нимадир демуқчи бўлди-ю,
ўғли билан гап талашиб ўтиришни
ўзига лозим кўрмай, нариги ёнбо-
шига ағдарилиб олди.

Ака шундаям ўз фикрида собит
қолганини билдириб:
— Кўзига қарасин-да, — деди-
ю, тилининг остига бир отим нос-
вой ташлаб, индамай чиқиб кетди.

Эртаси кун талаба акасининг
насихатига кўра Толикка дуч
келмаслик учун дўкон олдидаги
бекатга тушмай, узумзор ораб
келган йўли билан энгизга қайтди.

Бироз олислганини айтмас, та-
лабанинг ўзига ҳам шу маъқул
тушди, дўкон олдидаги ўтириш
ҳар хил пичингли саволларига
жавоб бериш даҳмзасидан
қутилади, Тилла бобога ҳам
тўқнаш келмайди.

Талаба энди қишлоққа етмай
автобусдан тушадиган, шу ердан
автобусга чиқадиган бўлди.

Унинг барибир қулоғи тинчи-
мади. У уйга келган заҳотиёқ ака-
си ҳам пайдо бўлар, гога ташвиш-
ли қиёфада:
— У сени яна сўради, — деди.
Акаси бу гапни ҳар гал ҳар хил
тарзда айтарди: бир гал, у фал-
лончи-пистончининг жанозаси-
да отасининг ёнида турган экан,
бутун қишлоқ аҳли йиғилган
эди, у эса жаноза-паноза деб
ўтирмай менга яқинлашди-да,
сени сўради, деса, бошқа гал,
мен фалончи-пистончининг ўи-
ни кураётганимда ҳашар баҳо-
насида уям келди, ўзиям роса
лой ташиди-ю, энди тушликка
чиқётганимизда яна ёнингга кел-
либ сени сўради, деди. Кейин
сен у билан нималарни гаплаш-
гандинг, ишқилиб, ушанда унга
қандайдир ваъдалар бераманми-
диган, агар шунақа бўлган бўлса
очингани айт, очиқ-ойдин ҳал
қилиб олайлик, деган сўраб-су-
риштиришлар бошланарди. Уни
кўришга меням юрагим безил-
лаб қолди, шунақа қилверса,
мен ҳам энди бу қишлоқда иш-
ламай, бошқа жойлардан иш из-
лашимга тўғри келиб қолади,
дери акаси.

Бир томони талабанинг ака-
сига раҳми ҳам келди. Намунча
у мени сўраб-суриштирмас, де-
ган жумбоқ ҳамон талабанинг
бошини қотирарди. Тикка бориб,
нима гап, мана мен келдим, деса
бўлади-ку, аммо акаси унинг
бундай ҳаракат қилишига мут-
лақо қарши, тинч юр, у қандай-
дир касофатни бошлаб келган —
ҳамма шундай деяпти, бунини
ўзининг ҳам кўнглим сезиб ту-
рипти, сен яхшиси у бил

Холис сўз масъулияти

Бошланиши биринчи саҳифада.

Кино, театр, телевидение... Булар юрагимда ўчмас из қолдирган соҳалар. Бугун шу жараёнда дахлдорлигимдан хурсандман. Чунки дақиқалар эвазига бўлса-да, санъат одамлари юрагида яшаш имконига эга. Бу бахт сурурини айнан касбим орқали тотяман.

Назаримда, дунёнинг аввали ҳам, охири ҳам моҳиятга таяна керак. Шу тушунча боис, нафақат иходда, балки ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасида умримизнинг мазмунини излаймиз. Мен моҳиятнинг инсонларнинг юрагидан, ҳаёт ҳақидаги самимий хулосаларидан топишга ҳаракат қиламан.

2. Муносабат... йўлашимча, матбуот орқали жараёни асосий бўлишига ҳақиқатан ҳам бир оз фурсат бордек. Лекин саволни очик қолдирмайман. Жараён ҳамма билган ва бундан кейин ҳам давом этади. Энг муҳими, шу жараёнда бизнинг борлигимиз ва ҳаракатларимизнинг самараси! Устозлар босиб ўтган йил, уларнинг бизга берган таълим-тарбияси ва, албатта, берилаётган имкониятлар бугунги муваффақиятларимизнинг асоси. Одатда, биз муаммолар, камчиликлар ҳақида «бонг» уришни тўх қўрагимиз. Ютуқларни инкор этмаган ҳолда, матбуотда номунасаб «қалам-кашлар»нинг фаолияти бироз кўпайгани, ҳусусан, санъат билан боғлиқ мақолаларда санъатшунос назари етишмаётганини таъкидлаш керакдир, балки.

Энг муҳими, телевидениеда, радиода, матбуотда бугун жараён кизгин. Ешлар катта авлод вакиллари таърихнинг ўрғанаётган бўлса, ўз ўрнида устозлар ҳам ешлардан нималарнидир ўрганишга ҳаракат қилаяпти. Устозим Юлдуз Очилова ҳаммага маълум бўлган «Бировга яхшилик қилиш қўлингдан келмайдими, ёмонлик ҳам қилма!» деган иборани таъкидларди. Тўғри, бу кўплар томонидан айтилган гап. Лекин мен унинг маъноси қақшим учун бироз фурсат керак бўлди. Биз журналистларга матбуот орқали сўз айтиш ҳуқуқи берилган. Оғзимиздан чиқаётган ҳар бир сўзга эҳтиёткорона ёндашишимиз керак. Ҳайламай айтилган биргина гап ҳам кимнингдир ҳаётига дахл қилиши мумкин. Собир Назармухамедовнинг

ижодини алоҳида кузатаман. Ва ҳар бир ишга шу одамга ўхшаб эркин ёндашган келади. У ўз халқларини филмларида кўчирган экан, кўз олдидини ҳаёт гавдаланади. Гарчи Собир ака кино-режиссёр, мен тележурналист бўлсам-да, ижодимда шуни тadbик этишни хоҳлайман. «Тошкент оқшомлари» дастурининг бир сониди ўзбекистон халқ артисти Убайдулло Омони тақлиф қилганда у киши: «Мен учун бугун муҳим», дедилар. Мен эса «эрта муҳим», деб ўйлардим. Кейин тушунсам, эртага етиб олиш учун ҳам бугун керак экан.

3. Шукри, одамларнинг юрагига, орзуларига етиб бориш, шу заминда қай даражададир ўз ўрнимизга эга бўлиш учун тинимсиз интиламиз, меҳнат қиламиз. Иходкор — ўзи яшаётган жамиятда ўзига нисбатан бўлаётган эҳтиёжни сезиб туриши бахт! Унинг айтганлари, ёзганлари шунчаки, саҳифани, экранни, эфирни тўлдирish учун сарфланмасдан, замондошларнинг маънавий дунёсини бойитиш учун хизмат қилаётгани, демак, ўша иходкорга ҳеч иккиланмай эргашish керак.

Санъатлар бугунги муваффақиятларимизнинг асоси. Одатда, биз муаммолар, камчиликлар ҳақида «бонг» уришни тўх қўрагимиз. Ютуқларни инкор этмаган ҳолда, матбуотда номунасаб «қалам-кашлар»нинг фаолияти бироз кўпайгани, ҳусусан, санъат билан боғлиқ мақолаларда санъатшунос назари етишмаётганини таъкидлаш керакдир, балки.

Энг муҳими, телевидениеда, радиода, матбуотда бугун жараён кизгин. Ешлар катта авлод вакиллари таърихнинг ўрғанаётган бўлса, ўз ўрнида устозлар ҳам ешлардан нималарнидир ўрганишга ҳаракат қилаяпти. Устозим Юлдуз Очилова ҳаммага маълум бўлган «Бировга яхшилик қилиш қўлингдан келмайдими, ёмонлик ҳам қилма!» деган иборани таъкидларди. Тўғри, бу кўплар томонидан айтилган гап. Лекин мен унинг маъноси қақшим учун бироз фурсат керак бўлди. Биз журналистларга матбуот орқали сўз айтиш ҳуқуқи берилган. Оғзимиздан чиқаётган ҳар бир сўзга эҳтиёткорона ёндашишимиз керак. Ҳайламай айтилган биргина гап ҳам кимнингдир ҳаётига дахл қилиши мумкин. Собир Назармухамедовнинг

Ҳар йили театр мавсуми очилиши олдидан театр жамоасини ҳам, мухлисларни ҳам ҳаяжон босади. Нимагаки, театрда ҳар биримизнинг кечаги кунимиз, бугунимиз ва эртамиз яшайди. Шу туфайли бу даргоҳ бизни оҳанрабодек ўзига тортиб туради. Хўш, томошабинларни навбатдаги мавсумда қандай янгиликлар кутмоқда?

— Театрнинг янги мавсуми олдидан нафақат томошабинлар, биз ҳам ҳаяжонланамиз, — дейди ўзбекистон давлат академик катта театри директори Бахтиёр Ёқубов. — Театр вақти-вақти билан худди вулқонга ўхшаб янгиликлар, тозаланиб туриши керак. Шунинг учун хоҳлаймизми-йўқми, театр асл вазифасига кўра томошабинни ҳаракатга келтириб, уни эзгулик ва ёруғлик томон олиб бораверади. Театр шуниси билан улуг. Утган мавсум охирида мухлисларга классик асарлардан Бизенинг «Марварид изловчилар» операси ва Аданнинг «Корсар» балетини тақдим этган эдик. Янги талқиндаги бу асарларда театримизнинг энг ёш ихорчилари — 18-19 ёшли Истиқлол қалдирғочлари илк бор саҳнага чиқдилар.

— Катта театр биносини таъмирлаш ишлари бошланди, бу нима билан боғлиқ? — Театримиз биноси, айниқса, бинонинг томошабинлар зали кўп йиллардан бери таъмирланмаган эди. Шунинг учун ҳукуматимиз, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги театр биносини, унинг миллий қиёфасини сақлаган ҳолда таъмирлаш учун катта маблағ ажратди. Шу

муносабат билан театрнинг 81-мавсумини ўз вақтида Мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишлаб, пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида очиш ниятимиз бор. Яқин кунларда устоз режиссёр Ферудин Сафаров классик асарлардан «Трубадур» операсини томошабинларга тўхфа этади. Балет труппаси эса ўзбек композиторлари асарлари устида иш олиб бормоқда. Ёз ойининг бошларида «Юг Итали ЮНЕСКО» халқаро ташкилоти билан ижодий шартнома тўзишга муяссар бўлди. Бу шартнома санъаткорларимиз, айниқса, ёш иходкорлар учун Европанинг энг нуфузли театрлари, санъат академиялари эшигини очиб беради. Ёш иходкорларнинг малакасини ошириш учун катта имконият туғилди. Куз ва қиш ойларида Хитой ва Хиндистон бўйлаб ижодий

сафарлар уюштирамиз. Самарқанд ва Навоий вилоятларида томошабинларни янги асарлар билан хушнуд этамиз.

Юртимизнинг энг кекса театрларидан бири бўлган Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри ҳам янги мавсумини

очиш арафасида. Жаммо сўнги икки йил давомида Миср Араб республикаси ва Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган нуфузли халқаро театр фестивалларида катнашди. «Биз ҳар йили янги мавсум очилиши олдидан томошабинларимиз билан самими

Янги мавсум олдидан

зиб, ўтган мавсумда яратилган «Маккора» ва «Уч кунлик дунё» спектаклларини намойиш этмоқдалар.


— Қадимий ва навқирондаги Бухоро вилоят мусиқали драма театрида ҳам иш қизгин. Театр жамоаси мавсумини шоир ва драматург Уйғуннинг «Ибн Сино» асари билан очиш ниятида.

— Қадимий ва навқирондаги Бухоро вилоят мусиқали драма театрида ҳам иш қизгин. Театр жамоаси мавсумини шоир ва драматург Уйғуннинг «Ибн Сино» асари билан очиш ниятида.

Кўриб турганимиздек, театрларимиз навбатдаги мавсумга жиддий тайёргарлик кўраёттилар. Уларнинг асосий мақсади мухлисларни янги ва яхши асарлар билан хушнуд этиш.

Аҳмадjon РАХИМОВ, «Ўзбектеатр» бирлашмаси ахборот бўлими бошлиғи

ТЕАТР — ЭЗГУЛИК МАСКАНИ



мий сўхбат-учрашув ўтказиб, уларнинг ниятларини, маънавий эҳтиёжларини ўрганамиз, — дейди театр бош режиссёри, Ўзбекистон санъат арбоби Мансур Равшанов. — Драматург Шухрат Ризаевнинг «Она» номли янги драматик асари устида иш олиб бормоқдамиз. Драматурглар Мухаммадjon Бобоев ва Тўра Қобилолар билан бугунги кун қахрамонлари образини саҳнага олиб чиқиш ниятимиз бор...

Сўхбатдан яна шу маълум бўлдики, театр жамоасининг бир гуруҳ аъзолари вилоятнинг Бойсун, Денов, Қумқўрғон туманларида ва чекка қишлоқларда Мустақиллигининг 19 йиллигига бағишлаб «Истиқлол — ота-боболаримиз орузи» мавзусида томошабинлар билан маънавий-маърифий учрашув-сўхбатлар ўтказиб

САНЪАТ ОСТОНАСИДА



Юртимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама етук, баркамол қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Мактаб ва иход уйларида ташкил этилган турли тўгарак ва студиялар фаолияти шундан далolatлардир. Тошкент шаҳар ўқувчилар иход марказида ташкил этилган ансамблда кичкинтойлар ўзбек ва жаҳон халқлари рақслари билан танишадилар. «Мен ота-онани, буларимни, Тошкентни ва рақс тушишни яхши кўраман, — дейди ансамбл қатнашчиси Машека Шултина. — Биз байрамларда меҳрибонлик уйларида, мактаб ва боғчаларда концерт берамиз. Бу йил мактабга бораман, рақс ўрганишни ҳам давом эттираман.» Ансамблдаги болаларнинг ҳаммаси ҳам санъаткор бўлмаслиги мумкин. Лекин ҳаётлари давомида санъатдан олган сабоқлари, қўл келиши шубҳасиз.

Флора ФАХРУТДИНОВА

Фолклор санъати байрами

Ўтган ойнинг сўнги куниди Ангрэн шаҳридаги «Алазиз» мажмуаси байрамона тус олди. Мажмуага кириварида Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган ҳунармандлар ва халқ амалий санъати усталари томонидан тайёрланган иход намуналарини кўргазмага намойиш этилди. Мажмуа эшигинида янграётган карнай-сурнай, ногора садолари ангрэнликларни ва бу ерга ташриф буюрган меҳмонларни «Улан айтгани келди» мавзусидаги анъанавий фолклор байрамга чорлади. Тadbир Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Халқ иходийети маданият-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази ҳамда Ангрэн шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Таниқли аскиячилар Абдулла Акбаров ва Маҳмудjon Исмомов ихросидаги янги аскиялар, жировлар Баҳтиёрjon Сирибегов ва Саламат Аяловнинг ўзига хос ижро усуллари тингловчиларга манзур бўлди. Шунингдек, Олмалик шаҳрининг «Шаҳнов» рақс ансамбли, Охангор туманидан «Чашма» фолклор-этнографик ансамбли ҳам ўз дастурлари билан катнашдилар. Байрам доирасида хаваскорлик жамоалари раҳбарлари ҳамда тadbир катнашчилари иштирокида республика Фолклор кенгашининг «Баркамол авлод тарбиясида номоддий маданий меросининг ўрни» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилиб, кенгашининг 2009 йили амалга оширган ишлари ҳисоботи тингланди.

Анжуманда номоддий маданий мерос обидаларини рўйхатга олишининг асосий тамойиллари, маданий мерос дурдоналари

нинг ўзига хослиги, фолклор санъатини ривожлантиришда ўлан ихорчилигининг ўрни каби масалалар юзасидан санъатшунослик фанлари доктори Рустам Абдуллаев, санъатшунослик фанлари номзоди Нозимjon Қосимов ва халқ иходийети маркази директори ўринбосари Уткир Тоҳиров маърузаси тингланди. Маърузалар юзасидан мухокамда Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Темури Маҳмудjon, Телерадиокоманини катта муҳаррири Бахтиёрjon Мухаммадиев, шоир Нуриддин Аминjonов ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Фолклор кенгашининг янги аъзолари тасдиқланди. Филология фанлари доктори, профессор Маматкул Жўраев кенгаш раиси этиб сайланди.

Мустақиллик йилларида тикланган ўлан ихорчилигини ривожлантириш, ешларнинг бу санъат турига қизиқишини ошириш ҳамда ўлан, жиров, дийраллиша ихорчилари фаолиятини тарғиб қилишга бағишланган байрам катнашчиларига фахрий ёрликлар топширилди.

Ш. НУРМАТОВА



Агар иходкор билан таниш бўлмасанг, унинг ички дунёсини англаш учун таржумайи холини ўрганиш шарт эмас. Бир яхши сўхбат ёхуд у яратган асарлар ўз муаллифи ҳақида «сўзлаб беради».

Эржабой аканинг уйига дастлаб телевидение ходимлари билан бирга бордим. Қатор териб қўйилган картиналар орасида «Туғилиш» алоҳида кўзга ташланган турарди. Унинг муаллифи иходига қизиқишим ҳам ана шу асар туфайли ортган бўлса ажаб эмас. Орадан бир қанча вақт ўтди ҳамки, асарда тасвирланган ҳолат ҳаёлимдан кетмади. Хуллас, шу сурат ҳақида ёзиш асносида таниқли расом, Камолитдин Бехзод номидидаги Миллий расомлик ва дизайн институти доценти Эржабой Машарипов билан сўхбатлашдик.

дейди. Бу бежиз эмас. У ана шу нуктада тасвирий санъатни ўрганишни бошлади.

— «Филон оҳанглари» асарингизда гайриоддий тасвирлар акс этган... — Илоҳи борица натурализмдан узоқлашишга ҳаракат қиламан. Ўз даврида бу йўналиш санъат учун беқиёс хизмат қилган. Энди томошабинга эстетик ахборот берувчи манбалар кўпайиб кетди. Айтилмоқчи бўлган фикрнинг тўғридан-тўғри ифодалаш учун қадар таъсирли чикмаслиги мумкин. Реаллиқни ҳаётли билан уйғунлаштириб, янги фикр айти олиш муҳим. Бизнинг асаримизда модернизмга қизиқишимнинг ортиб бораётгани сабаби ҳам ана шунда.

ва воқелиқни ўз идеалига кўра қайта яратди. Лекин бу жарада иход қилаётган расомлар ҳам.

Мени кўпроқ юртимиздаги бой тарихий обидалар, халқ озгаки иходи намуналари ва буюк сиймолар ҳақидаги афсона ва ривоятлар қизиқтириб келган. «Говур қалъа» номли асар устида ишлаётганимизда Хоразмдаги ана шу тепалик харобалари прототип бўлиб хизмат қилган. Икки минг йиллик тарихга эга бўлган бу қалъалар тўлароқ ўрганиш ва асраб қолишга муҳтождек

фарқ қилади. Чунки иходкорнинг идеалидаги қаҳрамон от миниб эмас, чордона куриб ўтирган «шер урқали, арслон келбатли инсон». Нега уни чордона куриб ўтирган ҳолда тасвирлаган? Бунда қандай сир бор? Расом назарида Алломанининг оёқлари ерга — заманининг бир парчасига тегиб туриши керак. Шунда жафсу қаҳрамон она замин тасвирини қалбдан тўя бошлади. Кенг елкалар, буяв бўлақлар дунёнинг тўртдан икки қисмини тўсиб турганга ўхшайди. Шу тариқа иходкор

мавзусини ёритиш кенг тарқалган бадий ҳодиса эди. Асарга яқинлашган сари тасвирлар ранглар билан бирга сочилиб, манзара йўқолиб кетаётганга ўхшайди. Узоқроқдан кузатганда эса яқин сюжет пайдо бўлади. Яъни, тасвир аниқликдан маъхумиятга, маъхумиятдан аниқликка ўзгариб туради. Воқеалар бир халқа бўйлаб ҳаракатланади.

Суратнинг тепа қисмида қизил, кўк ва яшил каби нисбатан ёрқинроқ ранглар, пастки қисмида эса жигарранг, кулранг ва қора каби қуюқроқ, қоронғироқ бўёқлар силсиласини кўриш мумкин. Бу «Авесто»даги икки қарама-қарши кучнинг абадий курашуви тимсоли ҳамдир. Образли қилиб айтганда, ҳаёт ҳақидаги фалсафанинг расом иходидидаги ўзига хос талқини. Асарнинг тепа қисмида от миниб қаёққадир кетаётган йигитлар, қуйида эса аёллар... Улар узоқ манзилга отланган, умид билан катта йўлга чиққан. Шу тариқа таассурот ортдан таассурот, фикр ортдан фикр келаверади. Базан сюжет ичиди йўқолиб кетаётгандек. Асар тўғрилиши учун кенгаж жараён — бутун бошли ҳаёт кўз ўнгиндан ўтади. Ишқ, яшаш, дўстлик, хиёнат, қаҳр, нафрат — ҳаммаси ҳаёт манзаралари. Мана шу мавзуларнинг барчаси асар марказидаги инсонга — Бехзодга илхом беради. Бу ҳали гўзал ва бетакрор илҳомнинг ўзи, холос...

Шоҳсанам ХИДИРОВА



СУВРАТЛАРДА ЎТМИШ ВА ЗАМОН

Тасвирий санъатни тушунишнинг ўзи инсонга чексиз завқ бағишлайди, қалбни ҳас эйтиш эса бахт. Шунга қарамай, кўргазмаларда саноклигини кишиларни учратамиз...

Санъатнинг бу тури иходкордан тинимсиз изланиш талаб этади. Китобдаги воқеаларни сўз ёрдамида тасаввур этиш, тушуниш мумкин, лекин тасвирий санъатни «қуқиш» жуда қийин... Битта гоё устида йиллар давомида тер тўкиб ишлашга тўғри келади. Базан бир кичик асарни ишлаётганда ҳаёлан иккинчиси пайдо бўлади. Атоқли расом Урол Танисқов ҳам иходини дастлаб кичик асарлар яратишдан бошлаган бўлса, сўнгра бу жараён йирик полотнолардаги тасвирлар яратилиши учун асос бўлган.

Кейинги йилларда одамларнинг тасвирий санъатга қизиқиши бироз суяйгандек. Кўргазмаларга ҳам фақат расомлар журналистлар келишади. Айниқса, ешлар тасвирий санъатдан кўра фотографияни афзал кўришади. Тўғри, у ҳам санъатнинг бир тури, лекин, барибир, фото тасвирий санъат ўрнини босолмайди. Ҳаммасининг ўз ўрни бор. Ҳақиқий томошабин билан сўхбатлашсангиз, Рембранд ёки Бенков асарини кўриб фикрнинг тиниклашиди,



Энди томошабинни фикрлашга, уйлашга ўргатиш учун санъаткор символика, импрессионизм йўналишларидан ҳам фойдаланиб кўриши керак, деб ўйлайман. «Филон оҳанглари»да идеал образларни тасвирлашга ҳаракат қилганман. Бунинг учун нооддий йўлдан боришга тўғри келди. Эътибор берган бўлсангиз, рангларда оптимистик кайфият ҳукмрон. Персонажлар ҳаётида учрамайдиган кишилардир. Бошқача изоҳлаганда, асарда тасаввуримиздаги ҳаёт манзаралари акс этган.

— Тарихий жанрда яратилётган асарларда гўё ўтмиш қайта жонлангандек таассурот қолдирилади. — Қиёсан олганда тарихчи фақат рақамлар билан иш кўрса, расом уни ҳис қилади

қўринди. Асарга қарасангиз, узоқ яшаб, секин-аста умрининг поёнига қараб кетаётган инсон қиёфаси акс этгандек кўринади.

Кўчманчи элатлардан бундай тарихий ва маданий мерос сақланган қолмаган. Бирок биз яшаётган заманининг ҳар қарич турпроги энгил тарих. Шунинг ўзи менга чексиз ифтихор ва илҳом бағишлайди. Ҳақиқий санъат асари фавқулодда ҳолатларда яралади. Бир кун Рўзи Чориевни бадавлат киши ўйга олиб бориб, ўз портретини чизиб беришни илтимос қилибди. Шунда Рўзи ака, қанчалик маҳоратли расом бўлишига қарамай, суратни чизмайди, чизолмайди... Чунки портрет фақат хароратли қалб ва тийрак нигоҳингизга тан олади. Акс ҳолда у санъат намунаси эмас. Расомлар кўпинча «Онаёки» «Ота» қиёфасини яратганда бу сиймоларни юзларига ажин тушган ҳолда тасвирлашади. Ўзим ҳам доим шундай чизиб келганман. Назаримда, асарга бу тахлит ёндашиш онанинг барча бошқа исласларини беритиб қўяётгандек... Расом билан сўхбатимиз якунида иходкорнинг иккита асарига тўхталганимиз лозим топдик. «Алломиш». У биз билган одатдаги қаҳрамонлардан

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимлигининг тadbиркорлик субъектларининг давлат рўйхатига олиш бўлимида рўйхатдан ўтказилган Тошкент шаҳри Фаробий кўчаси 2 уйда жойлашган «FD — TIGERS» («FD — TIGERS» МЧЖ) (ИНН 301598379, код ОКПО 23276153), қатнашининг 2010 йил 10 августдаги қарорига асосан) ТУГАТИЛАДИ.

Эътирозлар маъзур эълон чоп этилган вақтдан бошлаб икки ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш. С.Раҳимов тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел: 154-95-90. Тугатуачи: «FD — TIGERS» МЧЖ.

«DIMAX+METALL SERVICE» МЧЖ жамият активларини (асосий восталарини) баҳолаш бўйича тендер эълон қилади. Тел: 230-50-10.

Юнусовод тумани 117-мактаб томонидан 1991 йили Шералиев Шероод Ташмухамедович номлига берилган В-184141 рақамли гувоҳнома йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент давлат техника университети томонидан 2009 йили Харисов Фаруз Нилевич номига берилган В№437558 рақамли диплом йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ҳамза тумани БТИ томонидан Насибуллин Фарат Барисламовичга М.Хасанова кўчаси, 38-уй, 7-хонадон учун берилган йўқолган уй плагни БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Б.Зокиров кўчаси 19-уйда жойлашган Шайхонтоҳур туманининг «ALTERNATIVE ROME DIZAYN» хусусий корхонаси сотилади. Эътирозлар икки ой давомида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани ҳокимлиги тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими томонидан 10.02.2009 йил 00099301 рақам билан (ИНН 206399142, код ОКПО 20965001) рўйхатга олинган «DIMAX UNIVERSAL SERVICE» МЧЖ тасвирларининг 10.08.2010 йил 2-сонли умумий йиғилиши қарорига мувофиқ ТУГАТИЛАДИ. Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100132, Тошкент ш., Учтепа тумани, ТКАД Промзона-5, «DIMAX METALL SERVICE» МЧЖ худудиди. Тел: 230-50-10, 230-51-10.

УЎДЖТУ томонидан 1997 йил Алимова Динара Зайниддиновна номига берилган № 016706 рақамли диплом йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани рўйхатдан ўтган «Global Invest Leasing» МЧЖ устав фондининг 827 843 880 сўмдан 805 247 980 сўмга қайтаганлигини маълум қилади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани рўйхатдан ўтган «Global Invest Leasing» МЧЖ устав фондининг 827 843 880 сўмдан 805 247 980 сўмга қайтаганлигини маълум қилади. Эътирозлар икки ой давомида 234-07-98 телефони орқали қабул қилинади.

“МУШОИРА”НИНГ СИРЛИ ЁҒДУЛАРИ



Ўзбекистон халқ рассоми Неъмат Қўзибоевнинг (1929-2004) 1970 йилларда Алишер Навоий музейи учун туркум асарлар ишлаши самарали натижа берган эди. Рассомнинг Хамид Сулаймон, Тўхтасин Жалолов сингари миллатпарвар адабиётшунослар билан дўстона учрашувлари унинг тарихи, Шарқ алломалари, шоирлари ҳаётини теран ўрганишига кенг имконият очиб берганди. Н.Қўзибоев тарихий мавзуга — аждодлар мероси, уларнинг маънавий дунёси, яшаш тарзига шу қадар қизиқдики, бугунги кунда у яратган туркум асарлар ўзбек тасвирий санъатининг дурдоналари айланди.

Рассом тарихимизнинг турли даврларига хос ранглар оламини яратди. Хусусан, Нодир бегим даврига оид қатор асарларида ёрқин, ўткир ранглари танлайди, улар орқали муҳитнинг юксак маданияти, маънавияти ва илмга лиммо-лим қалблар сийратини ифода этади. Умуман олганда, декоратив рангларда образларни алоҳида қайд этиш учун экспрессиаликни ошириш, қўшимча детал ва тинимлардан фойдаланиш имкониятлари очилади. Табиат манзараларида эса нозик эврилган нимранглар силсиласи устунлик қилади. Тасвирланувчининг, ҳаётининг табииётдан, ички дунёсидан келиб чиққан ҳолда мусаввир ранго-ранг бўёқлар танлайди.

Ана шундай асарлардан бири — Нодир даврининг Ҳавасий ва бошқа ижодкор аёллар даврасида мушоира қилаётган пайти ақс этган картинаси дўстларидан бирига совға сифатида тақдим этилганди. Бу асарни “Нодир портрети”дан фарқли равишда, картина талабларига тўла жавоб бера оладиган, ўша даврнинг юксак маънавиятини очиб берадиган гўзал кўшқик деб айтиш мумкин. “Мушоира”да ўша даврга хос гўзал нақшу нигорлар билан зийнатланган кўркям иморат, улар ўтирган айвон ва сўрининг санъат даражасида ясалган, юксак дид билан кийинган аёллар (хаттоки, патнисда мева кўтариб келаётган оқсоч аёл либоси ҳам бежирим), айвон фонидagi ранго-ранг гулзорларнинг файзли манзаралари, шёр-ғазал охангига мафтункор қалб соҳибларининг серзавқ нигоҳлари томошабинни ҳам улар даврасига тортиши табиий.

Неъмат Қўзибоевнинг ушбу картинасида XIX асрнинг ўзгаришчи йиллари Кўзон муҳитидаги ижодий ҳаёт манзараси тасвир этилган. Даврада Нодир шёр ўқимасида. Унинг

киёфаси, хатти-ҳаракати ва либосигача шёрининг мастона замзамаси, инжу оҳанглари бор. Рассом шоира либосининг ҳимарилган энгидан тортиб, нозик заррин нимчасига гўзаллик тароватини сингдирган. Гарчи Нодир тахт маликаси бўлса-да, биз уни бу даврада шёринт мулкининг маликаси сифатида кўраимиз. Рассом мато сатҳига бу анжуман учун маконни шу қадар дид билан танлагани, у шёринт бўстонида залворли қорли тоғлар, боғдаги гулу суманбарлар, товуслар соллашши. Зийнатланган нақшкор иморатдан таралаётган сўхри ёғдулар. Шаффоф ва латиф рангларнинг дилтортар ўйинлари. Либослардаги ўзбекона бичимлар. Уларда худди боғ меваларига хос оҳангдош ранглар: зарғалдоқ ранг, пушти ранг, алвон ранг, сиёҳ ранг жилоланади. Хатто сўрига тўшалган сержило наमत заррин нақшлари либослар ила ранг талашади. Бу ердаги ҳар бир аёлнинг қалбида шёринт акс-садоси бераётганини англаш мумкин. Хаттоки оқсоч аёл ҳаракатларида ҳам шёринтга ошнолик сезилади. Сўри чеккасида турган биргина обтованинг нозик шаклида қанчалар латофат бор. Бу ердаги барча унсурларда ранглар тўлиқ, яхлит, жарангдор. Айни пайтда майин ва жоибали. Аёлларнинг либослари турлича. Суратда турли табақа вакиллари мавқеи ва мартабаларига, мақомига кўра эмас, айлана сафларда жойлаштирилган. Рассомнинг мақсади аниқ. Юксак маданият ва маънавият соҳибларининг тинимлари ўша даврнинг ўзига хос вакиллари сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам бу картина собиқ тузум даврида ўтмишни идеаллаштирган асар сифатида ҳеч бир кўргазмага қўйилмади. Асарда тасвирланган ҳар бир тиним либоси полкиза, ҳаракатлари бежирим, туришларида гўзал хулқ ва ахлоқ намоён. Нигоҳлари самийий, юзларида меҳр ва ҳайрат, қалбларда эҳтирос ва гўзаллик мавжлари сезилади. Бундай тиним шубҳасиз халқни “маданиятсиз”, “маънавиятсиз” деб таҳқирлаган тузум мафкурага тўғри келмас эди.

“Ўзас” ГАЛЕРЕЯСИ

Хозирги кунда бу асар шахсий тўпламлардан бирида сақланмоқда. Унинг қимматли томони шундаки, рассом XIX асрнинг ўша давр муҳити ҳақида, маданияти, маънавияти ҳақида бизда ёрқин таассурот қолдиради.

Нодир НОРМАТОВ

* Тугилган кунинг эсдан чиқса чиқсини, бироқ нима учун туғилганинг эсдан чиқмасин.
* Сассик даракта кўниб, чаҳ-чаҳлаб сайраётган булбулни ким кўрибди?
* Ҳайвонлар ҳам инсоний муносабатга мўхтож.
* Сиз вақтни тежамасангиз, вақт сизни тежайди.
* Одамларни барча кучли ва заиф томонлари билан, улар қандай бўлсалар шундайлигича қабул қилиш керак.
* Агар сен ҳалол меҳнат қилсанг, одамлар сени ўзлари излаб топади.
* Кўришни истасанг, ҳар қандай кимсада ҳам истаганча яхшиликларни кўришнинг мумкин. Бунинг учун некин кўз бўлиши керак.
* Олимнинг жоҳиллиги нима-ю, жоҳилнинг олимлиги нима?
* Билмаслик гарчи айб эмас, илло фазилат ҳам эмас.
* Юксалишни истасанг — бошқаларни кўтар!
* Бошқаларни паства тортаётган одам ўзининг ер қаьрига кириб кетаётганини сезмайди.
* Чўғ пуфлаб аланга олдирилмаса, устини кул босиб сўнади. Пичоқни қайраб турмасангиз, ўтмаслашади, кесмайди. Рақобат йўқ жойда инқироз пайдо бўлади...
* Ёмоннинг ёмонлигини гапиргандан кўра, яхшининг яхшилигини гапирган яхши.
* Бирон киши билан гаплашмоқчи бўлсанг, шундай бир тилда гаплашгинки, то гаплашганинга қадар у сенга душман бўлса — дўстга айлانسин!
* Сен ўзинга га бошқалар кўзи билан қара. Бошқаларга ўз кўзинг билан.
* Ҳаёт — оқар дарё... дам ганимат. Ҳазрати одамни зир-эрат қил. Оғизларга қумкач. Мўхтожларнинг қорига яра. Эртадан бошлайман, дейсанми? Эртага кеч бўлиши мумкин. Агар бугун ҳали кеч бўлиб қолмаган бўлса...
* Бировни ошириб-тошириб мақташ — уни ортқк даража ерга уришдек гап. Ҳар

иккала ҳолатда ҳам меъёр бўзилади.
* Дунёнинг ишлари қизиқ. Одамлар бир-бирига яқинлашганда улар бир-бирларининг исини, шевасини, аъмолини соғинадилар. Кимни ва нимани йўқотганини англайдилар, бир-бирларига қараб талпин бошлайди!
* Ўзгаларнинг қалбларига тилинг билан эмас, дилинг билан кир.
* Бир-бирининг тағига сув

қаноат, мулоҳазакорлик, андиша, шафқат, оилага, ота-онага, аёлга ҳурматни тушунаман.
* Истеъдод ўзини койитганда, ўқиб-ўрганганида, қора терга ботиб меҳнат қилганида самара беради.
* Таржима — тил ва тафаккурнинг бузилмас иттифоқи... таржима бор экан, халқлар бир-бири билан доимий жонли мулоқотда, адабиётлар бир-бирига вобаста, бир-бирдан баҳраманд. Таржима бор экан, фикр-фикрдан сув ичади, бойийди, ўткирлашади.
* Иқтидор билан қилинган меҳнат, меҳнат билан эри-

Ғайбуллоҳ ас-САЛОМ

Бебаҳо нарсанинг баҳоси

қуймаса — чўллаб қоладиганлар бор.
* Одам боласини, мурғак



шилган иқтидор бир-бирини тўлдирди.
* Қиш қўйнида баҳор, гунча бағрида гул, ёшлик сийнасида эса келажак яшайди.
* Ўз миллатини, унинг маънавий шавкатини, салоҳиятини ва қадриятларини оёқ ости қилган, унинг дардига малҳам бўла олмайдиган киши қандай мавжудот бўлса бордир, аммо инсон эмас.
* Киши ҳар қандай аламга чидайди, аммо яхшилик эвазига ўша одамдан ёмонлик кўрганида дод деб юборади. Бундай ноҳақ оламнинг заҳми жуда ёмон бўлади.
* Ёз-ку яхши, шуниси борки, ёздан кейин қиш келади. Қиш совуқ, қаҳратон, илло, ортиндан чарақлаган баҳор билан ёз келади. Демак, қўйнида баҳор яширинган бўлади.
* Мустақиллик заҳматларини мен ҳам роҳат деб билмаман.
* Ўз оқилликларимни барча кусурларим билан ўзимдан домангир бўлсам, яхши инсоний сифатларим билан (агар улар менда бўлса?) отанам, оилам, мактабим, устозларим ва дўстларимга бурчдорман.

Гулнор САЛОМОВА тийёрлади

АЖДОДЛАР ИБРАТИ

Яқинда “MERIYUS” нашриётида Абдуқоҳгор Ибромовнинг “Муфтилар сулоласи” деб номланган китоби нашр этилди.

Унда турли йилларда ёзилган мақола ва сўхбатлар жамланган. Эшон Бобоҳон ибн Абдулмуҳаммад, шайх Заъиддинхон ибн Эшон Бобоҳон, Шамсиддинхон Бобоҳонлар ҳақидаги хотирлар баён қилинган.

Дастлабки мақола “Ҳастимом хотирлари” деб номланади. Унда муаллиф эски шаҳардаги Имом қаброл Шоший номлари билан боғлиқ майдон ва ундан жой олган осори атиқлар, уларнинг аввалги ҳолати мустақилликдан сўнг у ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида ёзди.

“Ҳаммаки бир кемамаки” деб номланган фаслда уламо ва ёзуви ўртасидаги самийий сўхбат келтирилган. Муаллиф ўз кўзи билан кўрган воқеалар ҳамда ўзгаришларни баён этади. Ўлкамиз тарихи ва этимологияси, жой-

Доимий ҳамроҳ

лар номи билан боғлиқ маълумотлар ҳам битилган.
“Баркамол авлод йил” Давлат дастури асосида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Аспид ёшлар ва келажак авлод тарбияси юртимиз истиқболга эришгандан буён давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланган. Машҳур аждодларимиз ҳақида маълумот берувчи ушбу китобнинг айнаи шу йилда чоп этилишида ҳам ўзига хос маъно бор.

Зеро, келажак авлоднинг маънавий камолотида халққа хизмат қилган сиймолар, мамлакатимиз ва жойлар тарихига оид маълумотлар муҳим аҳамият касб этади.

Масъул муҳаррир Усмоноҳон Алимов, муҳаррир Абдуғафур Расулов, рассом Уйғун Солиҳов.

Китоб 500 нусхадан нашр этилган.

Сарвар АБДУЛЛАЕВ

Куюнчак газетхондан мактуб

кўнглини хира қилар ва бенхтиёр ҳамроҳ — хорижлик меҳмон олдидан

га тегишли бўлса керак? Ахир, бу йўлдан бир кунда қанчалдан-қанча йўловчи ўтади. Уларнинг ичида қариялар, ёшлар, болалар ва ҳамроҳим каби меҳмонлар бўлиши турган гап. Бундан ташқари, бу сингари антисанитария жойлардан ўтиш нафақат кайфиятни бузиб, кўнглини хира қилади, балки йўловчиларнинг соғлиғига ҳамда атроф-муҳитга салбий таъсир қилмай қолмайди. Яна бир ачинарли томони эса, кимнингдир эътиборсизлиги, масъулиятсизлиги оқибатида ҳар томонлама жаҳон талабларига жавоб берувчи темир йўл хизмати тўғрисида номақбул таассурот уйғониши мумкин.

Йўлнинг чети ҳам йўл

экан. У менга сафари давомида Ватанимиздан олган таассуротларини гапириб берди. Кейинги йилларда пойтахтимиздаги ўзгаришларни, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини кўриб ҳайратга тушибди. Тошкентнинг гўзаллигига кўрқ бўлаётган биланлар, меҳмондўст, самийий халқимиз билан мулоқот қилиб, қалбида бир олам таассурот, завқ ва чексиз ҳурмат уйғонганини таъкидлади.

Биз сўхбатлашиш билан бирга деразадан атрофини томоша қилиб кетардик. Поездимиз қайси йиллар ҳар ёки темир йўл бекатига яқинлашаркан, темир йўлнинг икки тарафидати қаровсиз, тартибсиз ҳолат

хизмат бўлди. Бундай аҳволга, айниқса, Ховос, Янгийўл, Чиноз ва Гулистон темир йўл бекатларига яқинлашганда бир неча марта дуч келдик. Бу сингари ерларда чала қурилган ёки тўқилиб адо бўлаётган темир-йўллар, занг босган, кераксиз темир-тереклар уюлиб ётарди. Бу каби тартибсизликка «кўрқ» бўлган ёввойи ўт-ўланлар ҳар томонга тарвақайлаб ўсиб кетган. Албатта, темир йўл четидоги жойларда биров яшамайди, бироқ бу ўша жойларни ташландиқ бир аҳволда қолдирса ҳам бўлади, дегани эмас-ку! Қаровсиз бу ерлар ҳам қайси-дир туманга, қишлоқ ёки маҳалла-

Моҳира ОТАБОВА, талаба

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Азиз газетхон!
Йилнинг биринчи ярми ниҳояланди. Бироқ сеvimли газетангиз — «Ўзас»га обуна давом этмоқда. Обуна ҳар ойнинг ўнинчи санасига расмийлаштирилса, келгуси ойдан бошлаб ижодий мулоқотимиз давом этмавлади.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» хонадонингизга ёз ҳароратини, куз тўкинчилигини олиб кирсин!

Нашр кўрсаткичимиз — 222.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси, танқилик адиб

Максуд ҚОРИЕВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«Муштум» тахририятга жамоаси журналининг собиқ бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Максуд ҚОРИЕВНИНГ


вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор қилади.

Тўлан ҚЎЗИБОВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига ҳамдардлик билдиради.

Соғлигинг — бойлигинг...

ЛАВЛАГИ ҚОН БОСИМИНИ ТУШИРАДИМИ?



Британиялик олимлар қон босимини туширувчи мушакка янги воситани кашф этишди. У ҳаммага маълум неъмат бўлиб, томорқада ўсадиган оддий лавлагидир. Бир стакан (250 мл.) лавлага шарбатни қон босимини

бир кеча-кундуз давомда бошқа дорилар билан баб-баравар даражада пасайтира олади. Албатта, ҳозир бирор жойда лавлага шарбати сотилмайди. Шунинг учун уни ўзингиз тайёрласангиз ҳам бўлади. Бунда, шубҳасиз, сабзавотлардан шарбат оладиган аппаратлар қўл келади.

Хўш, лавлага таркибидаги қайси модда қон босимини туширишга ёрдам беради? Маълум бўлишича, бу модда лавлага таркибидаги нитратлар бўлиб, у ошқозонга тушганда, баъзи олимлар айтиб келишганидек, канцероген моддаларга эмас, балки азот оксидига айланар экан. «Азот оксиди эса ўта фойдали модда, меъдани яллиғлашиш, ошқозон яраси ва саратон пайдо бўлишидан ҳимоя қилади, — дейди тиббиёт фанлари номзоди, гастроэнтеролог Константин Спахов. — Шамоллашга қарши қўлланадиган дори-доримонлар меъдада қон кетиш хавфини кучайтиради. Агар бу дориларга сув ва нитрат қўшиб ичиlsa, асорати кам бўлади. Яна бир жиҳат ҳам бор: оғиз бўшлиғидаги бактерияни қиришга доир рекламага қўям ишонмавманг. Бундай рекламаларда махсус таштис таъсири ва чўқасидан фойдаланиш тавсия этилади. Холбуки, айрим олимлар фикрига кўра, бу ҳол меъда хасталиқлари қўлайишига, ҳатто саратонга сабаб бўлиши мумкин. Негаки, оғиз бўшлиғига жойлашиб олган бактериялар «нитрат»ларнинг «нитрит»ларга айланишига ёрдам беради. Нитритнинг бир қисми эса меъдада азот оксидига айланади. Агар оғиз бўшлиғидаги бактериялар, рекламада тарғиб қилингандек, бутунлай қириб юборилса, сабзавотлардаги нитрат нитритга айланмай қолади. Натжижада меъдада азот оксиди кам ҳосил бўлади. Демак, меъда зарур даражада ҳимояланмайди».

Британиялик олимлар лавлага шарбати ва нитрат солинган капсула қон босимига қандай таъсир этишини таққослаб кўришди. Тажриба давомида уларнинг меъдери бир хил бўлганда, даволаш самараси ҳам бир хил бўлиб чиқди. Нитратлар эркин ҳолатда қон босимини аёвондарида қараганда яхшироқ туширди. Бирок табиат эҳсони бўлган лавлага аёллар учун ҳам, қон босими меъдаридаги эркалар учун ҳам ниҳоятда фойдали. Ундаги нитратлар ҳафакон ва бошқа юрак хасталиқлари ривожланиши олдинда қандай яхши самара бериши аниқланди.

Фақат бугина эмас. Аъзои баданимизда табиий йўл билан ҳосил бўладиган ҳамда қўшимча равишда нитратлар орқали ўзлашадиган азот оксиди томирларни бушаштиради, иммунитетни оширади, одамни бардам ва бақувват қилади. Бу модда лавлага, сельдерея, шпинатда жуда кўп. Петрушка, хитой қарамиди, қолбаби қарамиди юқори даражада. Ошқоқ, шивит, оддий қарамда ўртача, картошка, помидор, баклажон, қалампр, пивёз, саримсоқ, нўхат, қовун ва замбуруғда кам даражада мавжуд.

ПИСТА ТАРКИБИДАГИ... КАДМИЙ

Кўпчилик писта чақшини хуш кўради. Илгари кўчаларнинг дуч келган жойида писта сотиш билан кекса кампирлар шуғулланиб келган бўлса, эндиликда йирик компаниялар пистани қадоқлаб чиқариб сотиб, уни бизнесга айлантириб олган.



Албатта, писта уруғи кальций, фтор, кўрошин, фосфор, магний, Е дармондориси ҳамда аминокислотларга бой. Бироқ кейинги пайтда олиб борилган тегиришларнинг кўрсатишича, писта таркибида кадмий деб аталувчи оғир металл ҳам меъдидан анча ортқк экан. Бу модда пистага металлургия заводлари, иссиқлик электр марказларининг чиқиндилари тушидиган туپроқ ва қишлоқ ҳўжалигида ишлатиладиган ўғитлар орқали ўтар экан. Кадмий организмда тўпланиб борган сари патологик ўзгаришларни келтириб чиқаради: буйрак ва асаб тизими зарарланади, суяклар муаммолар пайдо бўлади. Негаки, металл уларнинг минераллашуви ҳолатини бузади. Организмга таом орқали бирданга 15-30 мг. ёки сув орқали 15 мг. кадмий тушса, жиддий заҳарланиш юз беради.

Йўл қўйиш мумкин бўлган меъёр эса бир килограмм озиқли маҳсулот хисобига 0,1 мг.дан ошмаслиги зарур. Холбуки, одам ўз грамм писта чаққанда ўртача 0,02 мг. кадмий билан заҳарланади. Агар бу модда бошқа манбалар, айтайлик, ҳаво, тамаки чеккиш орқали ҳам организмда йиғилиб боришини хисобга оладиган бўлсак, ортқика чақилган юз грамм писта аъзои баданимизни учун «сўнгги томчи» бўлиши мумкинлигини унутманг.

«АиФ»нинг 30-сонидан олинди.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ХОМИЙ: «МАТЕУОТ ТАРКАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилмиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилмиз: info@uzas.uz
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Тахририятга келган қўлёғалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фавқуллоҳий мумкин.

Навбатчи — Иқбол ҚУШШАЕВА
Саҳифаловчи — Элёр МАХМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4789. Буюртма Г — 748. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6 7 8

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН